



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ПАРЛАМЕНТИ СПИКЕРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 сентябрь куни Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Чон Сэ Гюнни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, мамлакатларимиз парламентлари Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, аънавий яқин ва кенг қўламли ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Жанубий Корея Ўзбекистоннинг муҳим ва ишончли ҳамкорларидан бири экани алоҳида қайд этилди. Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасида турли даражадаги алоқалар ҳам ўзаро, ҳам халқроқ ташкилотлар доирасида фаол ривожланмоқда.

Мамлакатимизда саноатни диверсификация қилиш ва инфратузилмани модернизациялаш бўйича устувор дастурларни амалга оширишда Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари ва банклари билан самарали ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Бугунги кунда иқтисодийнинг турли тармоқларида амалга оширилаётган қўшма инвестиция лойиҳалари қиймати 7 миллиард доллардан зиёдни ташкил этмоқда.

Фан-техника ва маданий-гуманитар, тиббиёт ва таълим, сайёҳлик соҳаларида ўзаро муносабатлар кенгайиб бормоқда.

Урашувда мамлакатларимиз парламентлари ва уларнинг алоҳида қўмиталари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, парламентларда фаолият юритаётган дўстлик ва ҳамкорлик гуруҳлари ишини фаоллаштириш, Ўзбекистон ва Жанубий Кореяда ўзаро ташриф ва қўшма тадбирларни мунтазам равишда ташкил этиш муҳимлиги қайд этилди.

Савдо-иқтисодий, инвестиция ва маданий-гуманитар соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, халқроқ парламентлараро тузилмалар доирасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Ўзбекистонда қабул қилинган мамлакатни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида янги босқичда амалга оширилаётган таркибий ўзгариш ва ислохотларни юксак баҳолади ва уларни қўллаб-қувватлашини билдирди.

Чон Сэ Гюн давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдирди, Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг салом ва эзгу тилаklarини етказди. Юқори мартабали меҳмон Жанубий Корея раҳбарияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг тез орада ушбу мамлакатга ташриф билан боришини кутаётганини таъкидлади.

Чон Сэ Гюн икки давлат парламентлари ҳамкорликда саъй-ҳаракатлар билан бўлажак олий даражадаги учрашувларга тайёргарлик жараёни ҳамда икки томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштиришга амалий ҳисса қўишини қайд этди.

ЎЗА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

### ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда халқ таълими тизимида жами 4916 та мактабгача таълим муассасаси, 9680 та умумий ўрта таълим мактаби, 211 та «Баркамол авлод» маркази мавжуд бўлиб, уларда жами 400 минг нафардан ортиқ педагог ходим фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимида педагог кадрларни тайёрлаш бўйича 5 та давлат педагогика институти, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича 14 та ҳудудий институт фаолият кўрсатмоқда.

Амалдаги тартибга асосан халқ таълими муассасалари педагоглари камида 5 йилда бир мартаба ўз малакаларини оширадидлар. Ўқитувчилар малака ошириш давомида мамлакатимизда ва жаҳонда педагогика, психология ҳамда ўқув фани бўйича эришилган энг янги ютуқларни чуқур ўрганиб, замонавий ахборот ва педагогик технологияларнинг имкониятларидан хабардор бўлган ҳолда

уларни амалиётга татбиқ этиб келмоқдалар.

Шу билан бирга, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий институтларида фаолият юритаётган педагог ходимларнинг илмий салоҳияти, дарс бериш сифати бугунги кун талабларига жавоб берамапти. Ходимлар илмий изланишлар билан шуғулланмайди, уларнинг фаолиятини ташқи баҳолаш тизими самарали йўлга қўйилмаган.

Ўтказилган таҳлиллар педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнларида халқ таълими ва олий таълим тизимлари ўртасида узлуксизлик ва узвийлик таъминланмаганлигини кўрсатди. Натижада умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасалари ходимлари фаолияти давомида фанларни ўқитиш методикаси, таълим ва тарбия назарияси янгиликларидан, олий таълим тизимида амалга оширилаётган

ислохотлардан, илғор хорижий тажрибалардан беҳабар қолмоқдалар.

Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими самарадорлигини янада такомиллаштириш, уларнинг касбий компетентлигини доимий ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги ва Молия вазирлигининг:

Нуқс давлат педагогика институти, Навоий давлат педагогика институти, Жиззах давлат педагогика институти, Қўқон давлат педагогика институти ва Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфига бериш;

(Давоми 2-бетда.)

## 1-oktabr — O'qituvchi va murabbiylar kuni



Муҳимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги 4-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси Ирода Улуғбекова дарс жараёнида.

Муаллим десалар мени қанийди...

5-бет

Қардасиз, сирли муаллимлар?

11-бет

Етмишдан ошган навқирон отахон

спорт билан шуғулланиш бобида ёшларга ўрнатилган бўлмоқда

15-бет

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

# ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтларини тегишли ҳудуддаги олиқ таълим муассасалари тасарруфига бериш ҳамда улар негизда Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказларини (кейинги ўринларда Ҳудудий марказлар деб аталади) иловага мувофиқ ташкил этиш;

Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти ва Республика илмий-педагогика кутубхонасини Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети тасарруфига бериш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Худудий марказларнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

халқ таълими ходимларининг методик эҳтиёжларини тўлақонли қондириш мақсадида қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг илғор шакл ва усулларини жорий этиш;

халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича таълим дастурларини такомиллаштириш юзасидан илмий-тадқиқот ҳамда ўқув-методик ишларни олиб бориш кўникмаларини ривожлантириш;

масофадан ўқитиш усуллари асосида халқ таълими муассасалари педагоглари учун ташкил этиладиган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг тегишли ўқув-методик ресурсларини ишлаб чиқиш, курслардаги ўқув машғулотларини онлайн ва оффлайн шаклларида ташкил этишни янада такомиллаштириш;

тегишли йўналишлар бўйича фанларнинг умумқасбий ва махсус блоклари бўйича қайта тайёрлаш ва малака оширишни ташкил этиш ҳамда улар бўйича замонавий методик, ахборот-маълумотнома базасини яратиш;

бююртмачи ташкилотлар билан ҳамкорликда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича таълим дастурларини узлуксиз такомиллаштириб бориш;

ўқув-тарбия жараёнининг амалиёт билан ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнини сайёр машғулотлар орқали замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган таълим муассасаларида ташкил этиш;

инновацион илмий ютуқларни, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллашни, масофадан ўқитишни, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологияларни таълим тизимига жорий этиш.

3. Белгилансинки, Худудий марказлар:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

юридик шахс мақомига эга давлат таълим муассасаси бўлиб, ўз мустақил балансига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ҳазначилигида шахсий газна ҳисобварақаларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзиладиган муҳрига эга бўлади;

илмий-методик таъминоти олиқ таълим муассасаларининг тегишли кафедралари томонидан амалга оширилади;

ўқув машғулотларини олиб боришга юқори малакали мутахассислар ҳамда ўриндошлик ёки соатбай ҳақ тўлаш асосида олиқ таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари жалб этилади;

ҳодимларига олиқ таълим муассасаларининг тегишли лавозимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари ва шартлари татбиқ этилади. Бунда бир нафар ўқитувчи ҳисобига тўғри келадиган тингловчилар нисбатининг чекланган нормативлари олиқ таълим муассасалари учун белгиланган бир нафар ўқитувчи ҳисобига талабалар сони нисбатининг чекланган нормативларидан 25 фоиз паст этиб белгиланади.

4. Ўзбекистон Республикаси олиқ ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари **Д.Набиев** бир ой муддатда жой-

ларга чиққан ҳолда мазкур қарорга асосан ташкил этилаётган Худудий марказлар жойлашиши, фаолияти сифатли таъминланиши шароитларини таҳлил қилсин;

**икки ой муддатда** Худудий марказларни малакали профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш юзасидан зарурий чораларни кўрсин; **ҳар уч ойда** амалга оширилган ишлар тўғрисида шахсан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисобот бериб борсин.

5. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Худудий марказлар учун таянч олиқ таълим муассасаси ҳисоблансин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

халқ таълими тизими ходимларининг касбий билимлари ва малакаларини ошириш ишларига илмий-методик жиҳатдан раҳбарлик қилиш;

таълим дастурларининг узлуксизлиги ва изчиллигини ҳисобга олиб, ижодий тафаккурни ривожлантиришга йўналтирилган ўқитишнинг интерактив усулларидан фойдаланган ҳолда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича намунавий ўқув режа, дастур, ўқув-методик ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг самарали шакллари жорий этишнинг илмий-методик ва ташкилий-методик асосларини ишлаб чиқиш;

таълимнинг илғор шакл ва усуллари, замонавий таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнига жорий этиш асосида раҳбар, педагог ва бошқа мутахассис кадрларнинг касбий билим, кўникма ва малакаларини ошириш чораларини кўриш;

педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасидаги хорижий тажрибаларни, шунингдек, энг яхши таълим муассасаларининг ютуқларини оммалаштириш асосида илмий асосланган инновацияларни жорий этиш.

6. Тасарруфда Худудий марказлар ташкил этилган олиқ таълим муассасалари **ректорлари**:

**бир ой муддатда** Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Худудий марказ фаолиятини, ривожлантириш

концепциясини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

**икки ой муддатда** Худудий марказларда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг илғор шакл ва усулларини жорий этиш, таълим дастурларини такомиллаштириш, тегишли йўналишлар бўйича фанларнинг умумқасбий ва махсус блоклари бўйича қайта тайёрлаш, жумладан, етакчи хорижий университетлар билан ҳамкорлик ўрнатиб, онлайн режимда малака ошириш тизимини ташкил этиш;

халқ таълими муассасалари педагоглари учун ташкил этиладиган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг тегишли ўқув-методик ресурсларини ишлаб чиқиш, курслардаги ўқув машғулотларини сифатли ташкил этишга шахсан масъул этиб белгилаб қўйилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **икки ой муддатда** мазкур қарор ижросини таъминлаш бўйича қарор қабул қилсин ва унда қуйидагилар назарда тутилсин:

Худудий марказлар фаолиятини ташкил этиш ва уларнинг намунавий ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

Худудий марказлар намунавий ташкилий тузилмасини ҳамда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича таълим дастурларини ишлаб чиқишда, ўқув-услубий жараёнини ташкил этишда таълим турлари ўртасида узлуксизлик ва узвийликни таъминлаш;

ҳар бир Худудий марказ фаолиятини ривожлантириш концепцияларини тасдиқлаш.

8. Худудий марказларда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини таҳлил қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Юнусходжаев бошчилигида махсус комиссия ташкил этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси олиқ ва ўрта махсус таълим, халқ таълими вазирлигига ҳар икки ойда Худудий марказларда малака оширилган ва қайта тай-

ёрланган халқ таълими ходимларининг жойлардаги фаолияти самарадорлиги тўғрисидаги ҳисоботини ҳамда Худудий марказлар фаолиятини такомиллаштириш чоралари бўйича таклифларини махсус комиссияга киритиб бориш вазифаси юклатилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг:

Педагог кадрлар малакасини оширишни назорат қилиш бўлими негизда, Халқ таълими вазирлигининг Педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш бўлимининг тугатиш ҳисобига қисқарадиган 2 та штат бирлигини ўтказишни инobatта олган ҳолда, 5 та штат бирлигидан иборат Педагог кадрларни қайта тайёрлаш, малакасини оширишни ташкил этиш ва назорат қилиш бошқармаси ташкил этилсин;

Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бошқармасига қўшимча 1 та штат бирлиги ажратилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Худудий марказларни сақлаш харажатларини Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилишини назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2017 йилги параметрларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда **бир ой муддатда**:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н.Юнусходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Тошкент шаҳри,  
2017 йил 26 сентябрь

Ш.МИРЗИЁЕВ

2017-yil 27-sentabr, № 77 (9038)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига шарҳ

Бугунги кунда халқ таълими тизимида жами 4916 та мактабгача таълим муассасаси, 9680 та умумий ўрта таълим мактаби, 211 та «Баркамол авлод» маркази мавжуд бўлиб, уларда жами 400 минг нафардан ортиқ педагог ходим фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимида педагог кадрларни тайёрлаш бўйича 5 та давлат педагогика институти, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича 14 та ҳудудий институт фаолият кўрсатмоқда.

Амалдаги тартибга асосан халқ таълими муассасалари педагоглар камиди 5 йилда бир маротаба ўз малакаларини оширадilar. Ўқитувчилар малака ошириш давомида мамлакатимизда ва жаҳонда педагогика, психология ҳамда ўқув фани бўйича эришилган энг янги ютуқларни чуқур ўрганиб, замонавий ахборот ва педагогик технологияларнинг имкониятларидан хабардор бўлган ҳолда уларни амалиётга татбиқ этиб келмоқдалар.

Шу билан бирга, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий институтларида фаолият юритаётган педагог ходимларнинг илмий салоҳияти, дарс бериш сифати бугунги кун талабларига жавоб бермапти. Ходимлар илмий изланишлар билан шуғулланмайди, уларнинг фаолияти-

ни ташқи баҳолаш тизими самарали йўлга қўйилмаган.

Ўтказилган таҳлиллар педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнларида халқ таълими ва олий таълим тизимлари ўртасида узлуksizlik ва узвиylik таъминланмаганлигини кўрсатди. Натижада умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасалари ходимлари фаолияти давомида фанларни ўқитиш методикаси, таълим ва тарбия назарияси янгиликларидан, олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлардан, илғор хорижий тажрибалардан беҳабар қолмоқдалар.

Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси борасида амалга оширилаётган ишлар давомида ҳамда педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими самарадорлигини янада такомиллаштириш, уларнинг касбий компетентлигини доимий ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Қарорда: Халқ таълими вазирлиги тасарруфидидаги Нукус давлат педагогика институти, Навоий давлат педагогика

институти, Жиззах давлат педагогика институти, Қўқон давлат педагогика институти ва Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфига бериш;

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидидаги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтларини тегишли ҳудуддаги олий таълим муассасалари тасарруфига бериш ҳамда улар негизда Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказларини ташкил этиш;

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидидаги Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти ва Республика илмий-педагогика кутубхонасини Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети тасарруфига бериш.

Ташкил этилган Ҳудудий марказларнинг мақсад, вазифалари ҳамда юридик мақомлари белгиланган.

Қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг самарали шаклларини жорий этишнинг илмий-методик ва ташкилий-методик норматив асосларини ишлаб чиқиш, таълим дастурларининг узлуksizligи ва изчиллигини ҳисобга олиб, иходий тафаккурни ри-

вожлантиришга йўналтирилган ўқитишнинг интерактив усулларидан фойдаланган ҳолда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича вазифалар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига юклатилган.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Ҳудудий марказлар учун халқ таълими тизими ходимларининг касбий билимлари ва малакаларини ошириш ишларига илмий-методик жиҳатдан раҳбарлик қилиш, намунавий ўқув режа, дастур, ўқув-методик ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича таянч олий таълим муассасаси этиб белгиланган.

Ҳудудий марказлар фаолиятини ташкил этиш ва уларнинг намунавий ташкилий тузилмасини тасдиқлаш ҳамда уларни малакали профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш бўйича вазифалар ва муддатлар белгиланган.

Иш ҳажмининг ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг штатлар бириги янгидан тасдиқланган.

Қарор Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг мантиқий давоми бўлиб, педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини кўтаришга хизмат қилади.

## Таянч мактаблар

### таълим сифати ошишига ҳисса қўшади

Ўтган ўқув йилида Булунгур туманидаги 67 та мактабнинг 9-синфини 3049 нафар ўқувчи тамомлаган бўлса, ота-оналар ва ўқувчилар ўртасида ўтказилган сўровнома натижасига кўра, уларнинг 1905 нафари таълимни жонажон мактабида давом эттирмоқда. Қолган ўғил-қизлар касб-хунар коллежи ва академик лицейларни ташлади.

10-синф ўқувчиларига сифатли таълим-тарбия бериш мақсадида туманда ҳар бир фандан уч нафар тажрибали педагог тренер этиб белгиланди. Улар ўз йўналиши бўйича вилоятда ташкил этилган ўқув курсларида малака ошириб, олган билиминини бошқа ўқитувчиларга каскад усулида етказди, — дейди туман халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари Собир Гафоров. — Бунинг натижасида айни кунда 10-синфларга таълим беришда қийинчилик кузатилмапти.

2016-2017 ўқув йилида мактабимизни 84 нафар 9-синф ўқувчиси тамомлаган эди. Сўровномадан сўнг 6 нафар битирувчи касб-хунар коллежиди ўқиш истагини билдирди. 78 нафари эса ўз мактабимизда билим олмоқда. Айниқса, мактабларда касб-хунар ўргатилаётгани ота-оналарни ҳам хурсанд қилмоқда.

— Мактабимизда 11 йиллик таълим жорий қилингандан мамнунмиз, — дейди «Ниёзмат» МФЙга қарашли Тегирмон қишлоғида истиқомат қилувчи Ўроқбой Йўлдошев. — Чунки фарзандларимиз кўз олдимизда, назоратимизда. Қизим Юлдуз Аъзамова ҳам жонажон мактабиди ўқиб, касб-хунар сирларини ўрганганди.

Махалла фахрийси Бувило Раҳимова ҳам бу фикрни маъқуллаб, ўқувчининг уйи ёнидаги



Jarayon

дагогика кенгашларида атрофлича муҳокама қилиб, олий, биринчи, иккинчи тоифали ўқитувчиларга тўғри тақсимладик. Чунки 10-синф дарслигини мукамал билиш учун нафақат билим, балки тажриба ҳам талаб этилади. Ёш ўқитувчилар эса устоз-шогирд анъанасига кўра, 10-синфларда дарс ўтишга тайёрланиши керак. Бу жараён кўр-кўрона эмас, фидойилик билан бажарилишини мактаб директори назорат қилиб бориши зарур. Тизимнинг муваффақияти шундаки, бунда ўқитувчи малака ошириш учун ортиқча вақт ва маблағ сарфламайди. Иш жойида билиминини бойитади. Амалий ишлари натижасини назорат қилиб бориш имкони ҳам мавжуд.

Таклифим — тажрибали ўқитувчилар ишлаётган мактабларни ҳудуддаги бошқа таълим муассасаларига таянч мактаб этиб бириктириш лозим. Ушбу мактабларда «Етакчи ўқитувчилар мактаб-бини шакллантириш, иш фаолиятини оммалаштириш, рабатлантириб бориш ҳам таълим сифатини оширади. Тренер ўқитувчилар метод кунларида ҳамкасбларига мураккаб мавзулар бўйича дарс ўтиб, ўқитувчилар билимидаги бўшлиқларни тўлдириб бориши — «тез ёрдам» кўрсатиши мактабларда таълим сифати яхшиланишига олиб келади.

Ғайратжон ҚОРАБЕКОВ,  
Булунгур туманидаги  
11-мактаб ўқитувчиси

Ота-оналар, ўқувчиларнинг хоҳиш-истакларини инобатга олган ҳолда янги ўқув йилидан республикамизнинг барча умумтаълим мактабларида 11 йиллик таълим тизими жорий этилди. Жумладан, Навоий шаҳридаги 15-мактабда ҳам иккита 10-синф ташкил қилиниб, ўқувчилар жонажон мактаблари бағрида ўқишни давом эттирмоқда.

## «Таълимни қадрдон масканимизда давом эттирялмиз»

— Мактабларда 11 йиллик таълим тизими жорий этилиши ота-оналар, устозлар кўнглидаги иш бўлди, — дейди Навоий шаҳридаги 15-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Нажмиддин Ендашов.

Мактабда ўқувчиларнинг мукамал билим олиши баробарида касб-хунар эгаллашига ҳам алоҳида аҳамият берилаётир. Шу мақсадда ташкил этилган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуасига қизлар учун тикув машиналари ўрнатилди. Ўғил болаларга электр пайвандлаш, темирга ишлов бериш, дурадгорлик каби касблардан сабоқ бериш ниятида Навоий архитектура ва қурилош коллежидан токарлик қурилмаларини келтириш режалаштирилган.

— 10-синфда ўқишни давом эттириш билан бирга мактабимизда ташкил этилган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуасида дугоналарим билан тикувчилик-бичувчиликни ҳам ўрганялмиз, — дейди мактаб ўқувчиси Дилнора Жумаева. — Коллежга кўникиб, янги дўстлар, янги устозлар билан «тил топишиб» кетгунимизча қанча қимматли фурсат бой бериларди. Энди коллежда уч йилда эгаллайдиган билимларни икки йилда ўрганамиз.

10-синфларга ижара тизими асосида етказиб берилган дарсликларнинг электрон варианты ҳам тақдим этилгани ўқувчи ва ўқитувчилар учун катта имконият яратилиши алоҳида таъкидлаш ўринли.

— Бу қўлайликдан фойдаланиб, кутубхонамизнинг электрон манбалар захирасини бойитдик. Педагог ходимларда бўлган талаб атрофимиздаги касб-хунар коллежларида фаолият юритган фан ўқитувчилари ҳисобига тўлдирилди, — дейди мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Шавкат Ражабов.

Энг асосийси, ўқувчилар янги ўқув йилини ўзларига қадрдон бўлган масканда қарши олишди. Ота-онаси, махалласи, ҳар қадамни тергаб-турувчи бобо-бувалари, кўни-қўшнилари кўз остида. Мактабда эса ҳар бир ўқувчининг феълу атвори, қизиқиши ва имкониятини яхши биладиган фан ўқитувчилари дарс беришади.

Ойбуви ОЧИЛОВА,  
«Ma'rifat» муҳбири

**Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги Президентимиз нутқи ўз мазмун-моҳияти, аҳамияти билан иштирокчилар диққат-эътиборини тортди. Нутқ қисқа бўлишига қарамай, даврнинг энг долзарб мавзуларини қамраб олди. Хусусан, Ўзбекистондаги ислохотлар, демократия, инсон ҳуқуқлари, ёшлар масаласи, диний бағрикенглик, халқаро хавфсизлик, минтақавий ҳамкорлик, экология, жумладан, Орол муаммоси каби қатор глобал масалалар Ассамблея иштирокчилари ва халқаро экспертлар ҳужумига ҳавола этилди.**

## “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси – барқарорлик асоси

Президентимиз ёшларни сўнгги йилларда кучайиб бораётган диний экстремизм ва терроризм таҳдидларидан ҳимоя қилиш, уларнинг ўз салоҳиятини намоён этиши учун зарур шароитлар яратиш кераклигини таъкидлаб, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни таклиф қилди. Давлатимиз раҳбарининг нутқида кўтарилган устувор масалалар мазмун-моҳиятини халқимизга, айниқса, ёшларга етказиш, тушунтириб беришга масъулмиз.

Муқаддас китобларимиз ва қадриятларимиз, буюк мутафаккир аждодларимиз меросида доимо ҳалол меҳнат билан яшаш, ватанпарварлик, мардлик, саховат ва қамтарлик улуғланади. Президентимиз ўз нутқида ислом динининг инсонпарварлик аҳамиятига яна бир бор эътиборни қаратди: **“Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз муҳассамининг ифодаси сифатида беҳад қадраймиз.**

**Биз муқаддас динимизни эъравлонлик ва қон тўкиши билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон мурося қила олмаймиз.**

**Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний ғазилатларни асраб-авайлашга даъват этади”.**

XII асрга келиб, жаҳон динларидан бири — исломга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Афсуски, бу қизиқиш ортида исломни ниқоб қилиб, ўзининг хиркан мақсадларини амалга оширишга уринаётган кучлар ҳам борки, улар нафақат тинчлик ва барқарорликка, балки ислом дини софлигига ҳам катта таҳдид солмоқда. Диний экстремистларнинг ёвуз мақсадлари, бузғунчи ғоялари бизни доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишга чақиради. Мамлакатимизда муқаддас динимизни сохталаштиришга уринаётган турли мутаассиб кучларнинг ёвуз ҳаракатларига қарши курашиш, ёшларни экстремизм хатаридан ҳимоя қилиш бўйича қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Хожа Баховуддин Нақшбанд, Бурхониддин Марғиноний ва бошқа кўплаб алломаларимиз тарғиб этган исломий қадриятлар маънавий ҳаётимиз ва дин-диёнатимиз кўзгуси ҳисобланади. Улуғ алломаларимизнинг маънавий хазинаси ёшларни эзгу ишлар билан шуғулланишга, ватанпарвар бўлишга, ҳалол меҳнат қилишга ундайди.

Диёримизда яшаб, фаолият кўрсатган аждодларимиз Исломни юксак маданият ва цивилизация даражасига кўтаришганини бутун муслмон олами эътироф этади. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида таъкидлаганидек: **“Марказий Осиё Уйғонмиш даврининг кўплаб ёрқин номаюндалири-**

**нинг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этмоқчиман.**

Ана шундай буюк алломалардан бири Имом Бухорий ўз аҳамиятига кўра ислом динида **Қуръони каримдан кейинги муқаддас китоб ҳисобланган “Саҳиҳи Бухорий”нинг муаллифи сифатида бутун дунёда тан олинган.**

Бу улуғ зотнинг ғоят бой меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш, маърифатий ислом тўғрисидаги таълимоти кенг ёйиш мақсадида биз Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилдик.

Тошкентда ташкил этилаётган Ислом цивилизацияси марказининг фаолияти ҳам шу мақсадга хизмат қилади”.

Президентимиз ташаббуслари билан университетимизда ISECOнинг “Ислом цивилизациясини ўрганиш” кафедраси ташкил этилди. Янги ўқув йили олдида кафедранинг расмий очилиш маросимида ISECO Бош директори Абдулазиз Тувайжийрий иштирок этиб, Ўзбекистоннинг ислом цивилизациясини ривожлантиришдаги ролини юқори баҳолади.

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясида **“Маърифат ва диний бағрикенглик”** деб номланган махсус резолюция қабул қилиш таклифини билдирди. Президентимиз махсус резолюциянинг аҳамияти ҳақида сўзлаб: **“Бу ҳужжатнинг асосий мақсади — барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга қўмаклашишдан иборат. Ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка қўмаклашишга қаратилган”**, дея таъкидлади.

Ўзбекистон минг йиллар давомида Буюк Ипак йўлининг муҳим қисми бўлиб келган. Бу ерда савдо-сотик, илм-фан, маданият марказлари тараққий этган. Уларнинг ривожланишида халқимизга хос бағрикенглик, меҳмондўстлик, ўзга маданият вакилларига ҳурмат туйғулари асосий омиллардан бўлган. Шунинг учун ўлкаимизда турли халқлар урф-одат ва анъаналари ўзаро уйғунликда ривожланиб борган. Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясидаги нутқи, хусусан, **“Маърифат ва диний бағрикенглик”** деб номланган махсус резолюциянинг қабул қилиниши дунё мамлакатларида тинчлик, оқошталлик ва барқарорликнинг асоси бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Равшан АБДУЛЛАЕВ,**  
Тошкент ислом университети ректори,  
иктисод фанлари доктори,  
профессор

## Жаҳолатга қарши — енгилмас куч

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 30 июнь кун “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV курултойидаги нутқида: “2016 йида ёшлар иштирокида 1 миллион 740 мингга яқин ҳуқуқбузарлик, 23 минг 440 та жиноят содир этилгани, ёш оналар ўртасида 8 мингдан ортиқ ажралиш ҳолати қайд этилгани барчамизни жиддий ташвишга солиши керак”, дея алоҳида таъкидлаган эди.**

Фойдали иш билан банд инсон ўзига зарар қилиб ҳуқуқ бузмайди, оиласи, ўз ҳаётини гаровга қўйиб жиноятга қўл урмайди. Ҳалол даромади бор оилادا ортиқча гап талашини, тортишувлар бўлмайди. Демак, оилани ажралишга олиб келувчи сабаблар тугилмайд. Ёшларимиз тирикчилик илнжиди мусофирчиликда сарсон-саргардон юрмайди. Шунинг учун ҳам Президентимиз курултойда **“Улар бизнинг болаларимиз. Биз болам**

### Мunosabat демасак, уларни ҳеч ким

**болам демасди. Ўзининг юртига керак бўлмаган болани биров болам дермиди?”** тарзидаги юракни ларзага келтирадиган сўроқни ўртага ташлаган эди.

Бугун эса Шавкат Мирзиёев ёшлар ҳаётига оид муаммолар ечими бўйича глобал таклиф ва тавсияларини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак минбаридида кўтариб чиқди. Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида билдирилган ғоя ва ташаббуслар йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш, БМТ Бош Ассамблеясининг **“Маърифат ва диний бағрикенглик”** деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш каби таклиф ва ташаббуслар бугун дунёдаги кўплаб глобал муаммоларга ечим бўлади.

Хўш, давлатимиз раҳбари нима учун БМТнинг юксак минбаридан бундай долзарб таклиф ва ташаббус билан чиқди? Чунки бугун биз ҳамма замонларга нисбатан ҳам таъликали, мураккаб ва зиддиятли бир даврда яшаймиз. Бугун ўзга мамлакатларни забт этиш учун куруллой ҳужум қилиб, аҳолини жисмонан йўқ қилиш шарт эмас. Одамларнинг қалби ва онги душманга фойда келтирадиган йўналишга ўзгартирилса бўлди, кейин шу аҳоли кўмағида ҳар қандай бойликка эгалик қилиш мумкин. Шу сабабли ҳам бугунги кунда бузғунчи кучлар турли тўхтаб ва бўҳтонлар воситасида инсонларнинг, айниқса, тажрибасиз ёшларнинг онгини захарлаб, ўзларига қарам қилишга уринмоқда. Ана шундай вайронкор мафқуралардан бўлган халқаро терроризм ва диний экстремизмнинг кундан-кунга кучайиб бо-

раётган хуружлари натижасида дунёда минглаб беғунох инсонлар, жумладан, аёллар ва қариялар, энг даҳшатлиси ёш болалар курбон бўлмоқда. Оқибатда, масалан, бир пайтлар инсоният цивилизациясининг бешикларида бўлган Ироқ ва Сурия бугун вайронга айланиб, миллионлаб тинч аҳоли жон сақлаш мақсадида ўз уй-жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлган. Бунинг асосий сабаби халқларнинг лоқайдлик ва бепарволикка берилиб, ўз вақтида хавф-хатарнинг олдини олмаганидир.

Шу нуктага назардан бугун инсон қалби ва онгини эгаллаш учун маънавий таҳдидлар кучайган, ақидапарастлик, диний экстремизм ва халқаро терроризмнинг хуружлари авж олган таҳликали замонда она сайёрамиздаги тинчлик ва барқарорликни асраб-авайлаш, дунё ёшларини турли бузғунчи мафқуравий хуружлар таъсиридан ҳимоя қилиш энг долзарб масалага айланди. Айни пайтда дунёнинг иқтисодий аҳоли ҳам, мафқуравий манзараси ҳам анча мураккаб. Қуйидаги факт ва рақамларга эътибор беринг:

— дунё аҳолисининг 46,3 фоизи катта қийинчиликларда кун кечирмоқда;

— 1 миллиард одам тоза ичимлик сувига муҳтож;

— 775 миллионга яқин киши ўқш ва ёзишни билмайди. Уларнинг учдан икки қисмини хотин-қизлар ташкил этади. Сайёрамиз ёшларининг қарийб 122 миллион нафари саводсиздир. БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари ташкилати — ЮНЕСКОнинг маълумотига кўра, салкам 61 миллион нафар бола ўқш ва ёзиш малакасида мутлақо беҳабар;

— 840 миллион одам тўйиб овқатлана олмайд; — камбағалликда умр кечираётган болалар сони 1 миллиардга етди. Ҳар 7 сонияда 1 бола очликдан ёки тўйиб овқатланмаслик натижасида юзга келадиган касалликдан вафот этмоқда;

— БМТ маълумотларига кўра, бугунги кунда ривожланаётган мамлакатлар ёшларининг 60 фоизи ҳеч қачон ўқимайди, ишламайди (таҳлилчилар фикрича, 24 ёшдан 24 ёшгача бўлган аҳолининг 89 фоизи ривожланаётган мамлакатларда истиқомат қилади);

— дунёни қуйидаги бало-қазолар қамраб олмоқда: диний экстремизм; халқаро терроризм; ғиёҳвандлик; “оммавий мада-

ния”; “космополитизм” (“дунё фуқароси” ёки “ватансизлик” ғояси); “лудомания” (“уйинбозлик”, телефон, компьютер, интернет ўйинлари касаллиги ёки “аср касаллиги”); миссионерлик, прозелитизм; ниғилизм (урф-одат, анъана ва қадриятларга бепишанд муносабатда бўлиш, уларни инкор этиш); эъравлонлик (фашизм, неофашизм, шовинизм); эгоцентризм; индивидуализм; ОИТС; старизм (юлдузларга кўр-кўрона тақлид); вандализм (маданий ва моддий ёдгорликларни вайрон қилиш); ахлоқсизлик (фохшбозлик, беҳаёлик, бир жинсли никоҳлар); хеппинг (вахшиёна кўнгил очилар).

Дунёнинг иқтисодий, мафқуравий аҳоли шундай экан, она Ватанимизда ҳолат қандай? Нуфузли халқаро ташкилотлар эълон қилган қуйидаги маълумотларга эътибор беринг:

— “Save the Children” халқаро ташкилати рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп гамаҳўрлик кўрсатадиган ўнта мамлакат қаторидан жой олди;

— Дунёда иқтисодиёти барқарор ривожланаётган 5 мамлакатнинг бири — Ўзбекистон (Халқаро жаҳон ўзбекистон форуми маълумотлари);

— 2017 йилда дунёнинг қатор нуфузли халқаро ташкилотлари, тадқиқот институтлари томонидан эълон қилинган **Бахтиёрлик ва хушайфиятлик индекси**га кўра, 142 мамлакат орасида **Ўзбекистон 3-ўринда, МДҲда 1-ўринда** турли эътироф этилди.

Демак, мамлакатимизда болаларимизнинг ўсиб-улгайиши, таълим ва тарбия олиши ҳамда ўз имкониятларини намоён қилиши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Шунинг учун ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳақли равишда БМТ минбаридан ёш авлодга нисбатан жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини кучайтириш лозимлигини таъкидлаб ўтди. Давлатимиз раҳбарининг фикрлари замирида ёшларнинг бандлиги, очлик ва қашшоқликка қарши курашиш, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳит муҳофазаси, ғиёҳванд моддалар истеъмолига қарши кураш, жиноятчиликнинг олдини олиш каби масалалар бор. Қисқача айтганда, ушбу сессияда Президентимиз “Жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш” ғоясини илгари сурдилар. Шу сабабли Шавкат Мирзиёевнинг нутқи жаҳон ҳамжамияти томонидан илиқ кутиб олинди.

**Шамсиддин ЖУМАЕВ,**  
Тўлқин ТОҒАЙҚУЛОВ,  
Тошкент вилояти  
ХТХҚТМОИ  
катта ўқувчилари

1-oktabr — O'qituvchi va murabbiylar kuni

# Муаллим десалар мени қанийди...

Устоз номи элимизда ҳамisha улуг ва ардоқли. Халқимиз азал-азалдан ушбу касб эгалари тисмолида фарзандлари кела-жаги, бахт-иқболини кўради. Ҳақиқатан ҳам, устоз-мураббийлар бутун борлигини, меҳр-муҳаббатини, куч-қувватини шогирдларига бахшида этган фидойи ва заҳматкаш зиёлидир. Бу касб эгалари сифатларини таърифларга сиздириш мушкул. 1 октябрь — ўқитувчи ва мураббийлар кuni юртимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши уларнинг нақадар шарафга муносиблигини исботлайди. Байрам шукҳи-кезиб юрган айни дамда мамлакатимиз халқ таълими тизимида хизмат қилаётган, меҳнатлари муносиб тақдирланган педагоглар кўнглидан кечаётган ўй-фикрлар билан қизиқдик.



**Раъно Фозилова,**  
Чиноз туманидаги  
40-мактабнинг  
она тили ва адабиёт фани  
ўқитувчиси,  
Ўзбекистон халқ ўқитувчиси:

— 40 йиллик ўқитувчилик фаолиятим мобайнида мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ислохотлар билан биргаликда ўқувчилар онгу шуурини ҳам ўсиш, юксалишлар бўлаётганини кузатаман. Фикри теран, адабиётга иштиёқманд ўқувчиларимнинг ёзма ишларини текширганимда, ҳар бирининг мустақил фикри, қарашлари борлигига гувоҳ бўламан. Мактаб даври ўқувчиларнинг қалбида бир умрга муҳрланиб қолишини ҳисобга олиб, ҳар кунлик дарсимда янги гап, янги фикр айтишга интиламан. Шу орқали уларда ҳам шахсий муносабат шакллантиришни одат қилганман.

Меҳнатларим инобатга олиниб, ҳукуратимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси фахрий унвони билан тақдирланишим мени БАХТЛИ ўқитувчилар сафига қўшди. Бу эътирофдан жуда тўлқинландим.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Қарши шаҳрида Абдулла Орипов, Жиззахда Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Андижонда Муҳаммад Юсуф, Нукус шаҳрида Ибройим Юсупов, Тўрақўрғон туманида Ибрат номидagi филологияга иختисослаштирилган мактабларнинг ташкил этилиши она тили ва адабиёт ўқитувчиси сифатида мени янги марралар сари илҳомлантirdи. Шу билан бирга ўзимда масъулият ҳиссини туйдим. Зеро, ўқувчиларимиз бадий иқтидори ва ижодий тафаккури билан бугунги талабларга мос ҳолда келажақда етук мутахассис бўлиб камолга етиши зарур.



**Дурдона Шарипова,** Учтепа туманидаги 4-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, "Шухрат" медали соҳибаси:

— Биз Ал-Хоразмий, Мирзо Улугбеклар авлодимиз. Ҳар дарсада ўқувчиларимга шу жумлаларни такрорлашдан чарчамайман. Чунки бугунги даврда уларнинг халқаро фан олимпиадаларида дунёдаги тенгдошлари билан тенглашишга ақлий салоҳияти, билими етарли бўлиши керак.

Шу маънода Президентимизнинг Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги математика, физика, ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни, Мирзо Улугбек номидаги астрономия фанини чўқурлаштириб ўқитишга иختисослаштирилган таълим муассасаларини ва "Астрономия ва аэродинамика" боғини ташкил этиш тўғрисидаги қарорларидан қанчалар хурсанд бўлганимни тасвирлай олмайман. Бу билан аниқ фанлар йўналишида ёшларимиз эришаётган муваффақиятлар бир неча ўн қарра ортади. Шунингдек, Остона шаҳридаги халқаро саммитда Президентимиз Ал-Хоразмий номидаги ёш математиклар халқаро олимпиадасини 2018 йилда мамлакатимизда ўтказиш таклифини билдирди. Бундай улкан ишонч мен каби ёш ўқитувчиларга катта масъулият юклайди.



**Барно Нурмуҳаммедова,** Шайхонтоҳур туманидаги 132-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси, "Меҳнат шухрати" ордени соҳибаси:

— Меҳнатлари эътироф этилган ўқитувчи сифатида ўзимни шу юрт, шу Ватан учун янада кўпроқ хизмат қилишга бурчли деб биламан. Айниқса, 2012 йилда "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор қабул қилинган, фаолиятимиз мазмунан тўлиқ янгиланди. Синфхона мактабимиздаги ҳамма ҳавас қиладиган энг чиройли кабинет, зарур жиҳозлар билан таъминланган. Биринчи синфдан инглиз тилини ўргатган ўқувчиларим бугун А1 даражани тўлиқ ўзлаштириб, 5-синфда ўқимокда. Инглиз тилида бурро-бурро сўзлашаётгани мени ҳам хурсанд қилади, ҳам гурурлантиради. Улар Ватанимиз, алломаларимиз, тарихий шаҳарларимиз, ўз мақсадлари ҳақида бемалол сўзлаб бера олишади. Ўқувчиларимнинг "Инглиз тили билимдонлари" кўрик-танловида ижобий натижалар кўрсатиши кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшмоқда. Тинимсиз малака ошириш жараёнида кичик ўқувчилар билан ишлаш технологиясини ўзлаштирдик. Ота-оналар ҳам фарзандлари билан ҳорижий тилларни ўрганишга кунт қилаётгани олдимизга қўйилган вазифаларни сикдидилдан бажариш натижаси бўлса, ажаб эмас. Эътиборлиси, меҳнатларимиз маънавий ҳамда моддий рағбатлантириляпти.



**Ойбекжон Қодиров,** Миробод туманидаги 110-ИДУМ директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари:

— "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да халқимизнинг хоҳиш-истаклари инобатга олиниб, мактабларда 10-синфлар ташкил этилгани, балоғат ёшидаги ўқувчиларнинг таълим-тарбиясида ўқитувчи салоҳияти катта ўрин тутуши таъкидлангани бизга билдирилган юксак ишонч ва масъулиятдан дарак. Педагог шахсига ишонч яқиндагина Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида ҳам акс этди. Яъни, дунёдаги глобал муаммолар сабабини бартараф этиш билан бир қаторда ёш авлоднинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифа экани таъкидланди. Айни йўналишдаги ишларни тизимли олиб бориш эса ўқитувчилардан фидойилик талаб этади. Шу мақсадда мактабимизда ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш учун спорт ва фан тўғаракларини ташкил этганмиз. Бўш вақтида фойдаланиш ишлар билан шуғулланган ўқувчиларимиз эса фанларни аъло баҳоларга ўзлаштириб, намунали хулқи билан тенгдошларига ибрат бўлмоқда. Бу борадаги ишларимизни жонлантириш, янги тажрибаларни яратиш учун ёш мутахассис сифатида доимо изланишга тайёрман.



**Нигора Зукурова,** Чилонзор туманидаги 173-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси, "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2016" республика кўрик-танлови ғолиби:

— Ҳаётимизга жадал татбиқ этилаётган Ҳаракатлар стратегияси доирасида ижтимоий соҳа, яъни таълим-тарбия ривожига эътибор янги босқичга кўтарилди. Юртдошларимизнинг китобхонлик маданиятини ошириш, мактаб кутубхоналарини турли бадий ва ўқув адабиётлари билан тўлдириш борасидаги фармойиш ва қарорлар ижросига ўз ҳиссамни қўшишга дахлдорлигимни бир фурсат ҳам унутмайман.

Ҳафтанинг ҳар бир кунини маълум йўналишдаги адабиётларни ўқиш кuni, деб эълон қилганман. Ҳар ой якунида ўқувчиларимнинг мутолаа қилган адабиётлари асосида тақдимот қилиши, жараёнга ота-оналарини ҳам жалб этиши кўнглимни тоғдай кўтаради. Бойси, сеvimли адибларимиз ҳам мактаб партасидан китоб ўқишга меҳр қўяган. Ота-оналарнинг фарзандларига эътибори натижасида бевосита мутолаа қилаётгани эса жамиятимиз маънавий қиёфасининг яхшиланишига таъсир кўрсатади.



**Жаҳонгир Исматов,** Шайхонтоҳур туманидаги 324-мактабнинг география фани ўқитувчиси, "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2017" республика кўрик-танлови ғолиби:

— Ўқитувчиларга яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, "Ўзбекистон шаҳарлари шаклланиши ва ривожланишининг гидрогеографик омиллари" мавзусида илмий изланиш ҳам олиб боряпман. Дарсларимни жонли ўтказиш учун амалий машғулотларни кўпайтиришга, бевосита далада бажариладиган топографик ўлчов ишларини ташкил этишга эътибор қаратаман. Бу эса ўқувчиларнинг фанга қизиқишини янада оширяпти. Ўқувчиларнинг мамлакатимиз индустриал салоҳиятидан бохабарлиги туризмни ривожлантиришда жуда муҳим. Мамлакатимизда маҳаллий ва халқаро туризмни ривожлантириш имконияти жуда катта. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Кўқон, Тошкент шаҳарларидаги тарихий обидаларга сайёҳлар эътиборини қаратиш нафақат маънавий, балки иқтисодий салоҳиятимизни ҳам юксалтиради. Шунингдек, кишлоқ жойларда агротуризм ва экотуризмни ривожлантириш, ўшаши йўқ тоғ ва чўл ландшафтлари, воҳа ва водийлар, қадамжо ва зиёратгоҳлар, балиқчи кўллар, чинорлар, форлар ва бошқа табиат мўъжизалари ҳар қандай сайёҳни беъэтибор қолдирмайди.

"Ma'rifat" мухбири  
Насиба ЭРХОНОВА ёзиб олди.

## Хуқуқий билимлар

### Ўқувчиларга содда усулларда ўргатилмоқда

Инсон ҳаётда юзага келадиган муаммоларга тўғри ечим топиши учун аввало ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши лозим. Хуқуқий билимлар ўқувчиларга мактаб ёшиданоқ сингдириб борилса, улар келажакда дуч келадиган муаммоларга осон ечим топади. Шу мақсадда юртимиздаги умумтаълим мактабларида ўғил-қизларнинг хуқуқий саводхонлигини ошириш учун бошланғич синфларданоқ конституцион билимлар ўргатилмоқда.

Чилонзор туманидаги 178-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг 6-синфида "Конституция — менинг тақдиримда" мавзусида тарих ва инглиз тили фанлари интеграциялашган дарс ўтказилди. Дарсни тажрибали давлат ва ҳуқуқ асослари фани ўқитувчиси Дилором Тиловова ҳамда инглиз тили фани ўқитувчиси Махфуза Қодирова олиб борди. Туман халқ таълими бўлими ижтимоий фанлар методисти Назира Сатторова ҳамда мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Нилуфар Абдусаматова кузатувчи эксперт сифатида иштирок этди.

#### Педагогик вазият:

Дарс аввалида ўқитувчи уйга вазифани сўраб, янги мавзунини тушуниришга киришди. Эътиборлиси, бу жараён ўқувчилар билан савол-жавоб тарзида, интерактив шаклда олиб борилди. Ўқувчилар инсон дунёга келиши билан қандай ҳуқуқларга эга бўлишини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муайян моддалари асосида тушунириб берди.

#### Эксперт хулосаси:

— Ўқитувчи янги мавзунини ўтишдан аввал ўқувчиларга ўтган ўқув йилида олган билимларини яна бир бор такрорлатиб олди. Чунки фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида 5-синфда маълумотга эга бўлишган. 6-синфда бу жараён узвийлиги таъминланиб, ўқувчига бошқа ҳуқуқлар ҳам тушунирилади.

#### Педагогик вазият:

Синф ўқувчилари уч гуруҳга бўлинди. Экранда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 6 бўлим, 26 боб ҳамда 128 моддadan иборат эканлиги ёзиб кўйилган. Уч гуруҳга бўлинган синф ўқувчиларининг диққати экранга қаратилган. Улардан Ўзбекистон Республикаси Конституциясига таъриф бериш, ундан қандай фойдаланиш лозимлиги сўралди. Гуруҳ сардорлари жавоб беришга киришди. Эътиборлиси, жавоблар инглиз тилида бўлди.

#### Эксперт хулосаси:

— Саволнинг жавоби экранда берилгани учун энди дарсда интеграциядан фойдаланиш вақти келди. Ўқувчилар 6-синфгача сонларнинг инглиз тилида айтишни яхши ўзлаштирган. Жавобларнинг тўғрилиги инглиз тили ўқитувчиси томонидан кузатиб борилди. Фаол иштирок этган гуруҳ рағбат карточкаси билан тақдирланди. Бунда ўқувчи ўз гу

руҳини ҳимоя қилиш билан бирга, рақамларнинг инглизча айтилишини ёдда сақлаб қолади.

#### Педагогик вазият:

Конституция ҳақида инглиз тилида тушунчага эга ўқувчилар энди унинг мазмун-моҳияти хусусида фикр юритишни бошлашди. Ўқитувчи доскага шифоҳона, мактаб, театр расмларини илиб кўйди ва улар бизга қандай ҳуқуқлар бериши тўғрисида сўради.

— Шифоҳона Бош Қомусимизнинг 40-моддасини билдиради. Яъни, ҳар ким малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга, — деди Бобур Тожиёв.

Ўқитувчи унинг жавоби тўғри эканини таъкидлаб, энди шу жавобни инглиз тилида ифода қилиб беришни сўради.

— The right of skilled free cure.

Кейинги ўқувчи Асолат Ёқубжонова мактаб суратига таъриф берди:

— The right of receiving free education, 41-модда — ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.

Театр расмига учинчи гуруҳ иштирокчиси Асаббек Эргашев изоҳ берди.

#### Эксперт хулосаси:

Ўқитувчи урта суратнинг изоҳини ҳам ўзбек, ҳам ин-



глиз тилида сўради. Мавзунини бу тарзда тушунириш натижасида берилган билимлар ўқувчилар хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади.

#### Педагогик вазият:

Тарих фани ўқитувчиси учта гуруҳга Ўзбекистон харитаси тасвирланган варақлар, миллий байроғимиз ҳамда қизил рангли кичик байроқчалар тарқатди. Сўнг гуруҳлараро савол-жавоб бошланди. Саволлар икки тилда берилди. Дастлаб инглиз тили ўқитувчиси "I am Saida. I am from Surkhandarya. I have got a problem with my job", "Мен Саидаман. Сурхондарёликман. Иш жойим билан боғлиқ муаммоларим бор", деди. Ўқувчилар харитадан Сурхондарё вилоятини топиши сўралди. Муаммонинг ечимини байроқча орқали белгиланди.

Шу тарзда тарих фани ўқитувчиси савол берди: "Мен Қорақалпоғистонда яшайман, нафақани ўз вақтида ололмаёман". Ўқувчиларга саволлар шу тарихга ўқиб эшиттирилди. Жавоблар харита орқали ўрганиб чиқилиб, ижобий жавобга миллий байроқ, салбий жавобга қизил байроқча ёпиштириб кўйилди.

#### Эксперт хулосаси:

— Дарснинг энг авж нуктасига келди. Бу ўйинда ҳам ўқитувчилар, ҳам ўқувчилар биргаликда мунозарага киришди. Дастлаб саволнинг инглиз тилида берилиши ўқувчини тер тўкишга чорлади. Саволни

### Dars kuzatuvchi

таржима қилиб бўлган, уни харитадан топди. Сўнг, тўғри ёки нотўғри эканини аниқлаб, байроқча ёрдамида белгилади. Бу ерда ўқувчи ҳам ўйланади, ҳам изланади. Муҳими, масалага ҳуқуқий ечим топа олиш кўникмаси шаклланди.

#### Педагогик вазият:

Фаол гуруҳлар карточкалар ёрдамида баҳоланди. Уй иши сифатида ўқувчиларга яқин бўлган, атрофда истиқомат қилаётган инсонларни қийнаётган бешта муаммони топиб, унга қандай ҳуқуқий ёрдам бериш вазифаси топирилди.


#### Эксперт хулосаси:

— Ўқувчиларнинг дарсда эгаллаган билим ва кўникмалари энди уй вазифаси кўринишида мустахкамланади. Улар бу топшириқни бажариш жараёнида атрофдаги инсонлар билан суҳбатлашиб, уларни қийнаётган муаммо қандай ҳал этилишини ўрганади. Бу ўқувчининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириб, уни мустақил ҳаётга тайёрлаб боради.

Экспертлар хулосасига кўра, дарс қизиқarli, мазмунли ва фойдали ўтди. Болалар ўзларининг конституциявий ҳуқуқларидан бир нечасини билиб олишди.

Феруза ХОЛМУРОВА,  
«Ma'rifat» мухбири

Б.РИЗОКУЛОВ  
олган суратлар.



## Муаммонинг осон ечими

Математика дарсида замонавий метод ва технологиялардан унумли фойдаланиб, истикболли натижаларга эришиш талаб қилинади. 6-синф "Математика" дарслигидаги ЭКУБ (Энг катта умумий бўлувчи) ва ЭКУК (Энг кичик умумий қарра) мавзуларини ўрганишда бу жуда зарур.

### Sinab ko'ring

Икки мавзу дарсликда алоҳида-алоҳида берилган бўлиб, ҳар бирига 2 соатдан вақт ажратилган. Мисол учун, 18 ва 12 сонларининг ЭКУБ ва ЭКУК куйидаги тартибда топилади.

18 ва 12 сонларининг ЭКУБини топиш учун:

1) Сонлар туб кўпайтувчиларга ажратилади.

18   2	12   2
9   3	6   2
3   3	3   3
1	1

2) Ҳар бир сон туб кўпайтувчилар ёйилмаси шаклида ёзилади.

$$18=2^1 \cdot 3^2 \quad 12=2^2 \cdot 3^1$$

3) Сонларнинг ЭКУБ сифатида ҳар бир туб кўпайтувчилар ёйилмасига бўлган умумий туб кўпайтувчилар даража кўрсаткичининг энг кичиги олиниб, кўпайтирилади.

$$\text{ЭКУБ } (18; 12)=2^1 \cdot 3^1=2 \cdot 3=6 \text{ деб ўрганилади.}$$

Кейинги 2 соатда 18 ва 12 сонларининг ЭКУК топилади:

1) Сонлар туб кўпайтувчиларга ажратилади...

2) Ҳар бир сон туб кўпайтувчилар ёйилмаси шаклида ёзилади...

3) Сонларнинг ЭКУК сифатида ҳар бир сон туб кўпайтувчилар ёйилмасидаги барча кўпайтувчиларнинг даража кўрсаткичи каттаси олиниб, кўпайтирилади.

$$\text{ЭКУК } (18; 12)=2^2 \cdot 3^2=4 \cdot 9=36 \text{ деб ўрганилади.}$$

3-босқичда масалани ҳал этишда ўқувчиларда танлаш борасида чалкашликлар юзага келади. Агар икки мавзу оптимал вариантда бир соатда кўргазмалли слайдлар орқали ўрганилса, ушбу чалкашликларга йўл қўйилмайди. ЭКУБ ва ЭКУК мавзуларини оптимал вариантда АКТдан фойдаланиб ўқитиш орқали ижобий натижага эришишни тажрибамда синаб кўрдим.

Қўзимурод ДАМИНОВ,  
Яккабоғ туманидаги 39-мактаб ўқитувчиси

# Мирзо Улуғбек Инновация маркази

миллий дастурий маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқишга хизмат қилади

*Ахборот-коммуникация технологиялари маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўпроқ ақлий меҳнатни талаб қилади. Юқори қийматли дастурий маҳсулотларни яратиш учун хоржидан хомашё келтириш шарт эмас. Асосийси, мазкур камхарж фаолият тури катта дарамад келтиради. Шу боис мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар учун ташкилий-техник, иқтисодий-молиявий шароитларни яратиш, АКТ маҳсулотлари экспортини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Ахборот технологиялари ва коммуникативларини ривожлантириш вазирлиги томонидан Мирзо Улуғбек Инновация марказига уюштирилган пресс-турда бу яна бир бор таъкидланди.*

— Президентимизнинг жорий йил 30 июндаги “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармониغا кўра, Мирзо Улуғбек Инновация маркази ташкил этилди. Ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилган марказнинг мақсади иқтисодий соҳаларига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш, илм-фан, таълим ҳамда ишлаб чиқариш жараёнини марказлаштириш, ахборот технологиялари маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ва бюрократларга қўшимча имтиёз, преференцияларни тақдим этишдан иборат, — дейди марказ директори Хуршид Султонов. — Марказга Ўзбекистоннинг барча ҳудудидо фаолият кўрсатаётган дастур ишлаб чиқарувчилар аъзо бўлиши мумкин. Инновация маркази резиденти мақомини олиш учун юридик шахслар компьютер дастурлаш, маслаҳат бериш ва қўшимча хиз-

матлар, маълумотларни жойлаштириш ва қайта ишлаш бўйича хизматлар, шунингдек, АКТ соҳасидаги фаолиятнинг белгиланган бошқа турларидан бирини амалга ошириши керак. Марказимизга айни кунгача дастурий маҳсулот ишлаб чиқарувчи 63 корхонадан ариза келиб тушган. Шулардан 28 таси резидентга айланди. Қолган талабгорларнинг ҳужжатлари кўриб чиқилмоқда. Дастурий таъминот ишлаб чиқарувчи компаниялар резидентлари муайян муддатгача барча турдаги солиқлар ва мажбурий ажратмалардан, ягона ижтимоий тўлов, божхона тўловларини тўлашдан, ўзи ишлаб чиқарадиган товарларни экспорт қилишдан тушадиган валюта тушумининг бир қисмини мажбурий солишдан озод этилади.

Марказ фаолияти олий таълим муассасалари ва касбхунар коллежларини ахборот технологиялари мутахассислиги бўйича битирганларни иш билан таъминлаш, АКТ кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш,

иқтидорли ёшларнинг “старт-ап” лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга ҳам йўналтирилган.

Пресс-тур иштирокчилари Мирзо Улуғбек Инновация маркази фаолияти, ундаги шарт-шароитларни кўздан кечиргач, марказ аъзолари бўлган компаниялардаги иш жараёни билан яқиндан танишди.

“New Max” МЧЖ ҳам дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш бўйича фаоллардан саналади. Мазкур муассаса сизматидан мамлакатимиздаги қўллаб йирик компаниялар, таниқли савдо бренди эгалари фойдаланади.

— Корхонамиз 2016 йилда фаолият бошлаган, — дейди “New Max” тасисчиси Акмал Файзиев. — Асосий лойиҳаларимиздан бири “maxTrack” GPS-мониторинг тизими бўлиб, автомобилларни сунъий йўлдош орқали кузатишга имкон беради. Бу веб-интерфейсда, яъни компьютер, мобиль қурилма ва мобиль иловаларда самарали ишлайди. Онлайн назорат олиб боришга мўлжалланган қурилма 30000 машинага ўрнатилган.

Дастурий таъминот ва ахборот технологиялари соҳасида фаолият кўрсатаётган компанияларга берилётган имконият ва имтиёзлар жаҳон бозори рақобатбардosh маҳсулотларни чиқаришга имкон беради. Пресс-тур давомида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олди.

**Санобар ЖУМАНОВА,**  
**“Ma'rifat” мухбири**

Президентимизнинг 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, мамлакатимиздаги барча ҳарбий академик лицейларга «Темурбеклар мактаби» номи берилди. 23 сентябрь кунини Тошкентдаги «Темурбеклар мактаби»нинг тақдирот маросими бўлиб ўтди.

## Тошкентда «Темурбеклар мактаби» тақдироти

Давлатимиз раҳбарининг фармонида «Буюк давлат арбоби ва саркарда Соҳибқирон Амир Темурнинг Ватанга садоқат, эл-юртнинг ардоқлаш, мардлик, фидойилик ва адолатпарварлик каби юксак фазилатлари ёш авлод учун ўрнак бўлиб хизмат қилишини инobatта олган ҳолда, республиканинг барча ҳарбий академик лицейларига «Темурбеклар мактаби» номи берилсин» деб белгиланган.

Тадбирда Ўзбекистон халқ артисти Т.Мўминов ва бошқалар ўқувчиларни Тошкент ҳарбий-телекоммуникация академик лицейига «Темурбеклар мактаби» мақоми берилгани билан кутлади, уларга ушбу буюк номга муносиб бўлишни тилади.

«Темурбеклар мактаби» ўқувчилари сафда юриш бўйича тайёргарлигини намойиш қилди, армрестлинг, автоматни бўлакларга ажратиш ва йиғиш, граната улоқтириш, турникка тортилиш, тўсиқлар оша югуриш, қўл жанги, арқон тортиш, ҳарбий эстафета мусобақаларида иштирок этди. Фолиблар фахрий ёрлик ва эсдалик совгалари билан тақдирланди.

Меҳмонлар ўқув, маънавият ва маърифат хоналари, ахборот-ресурс маркази, ушбу ўқув муассасаси фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи фотокурғазма, шунингдек, буюк Соҳибқирон Амир Темурга бағишланган қўллаб кўргазмалари ва дидактик материаллар билан танишди.

— Сафда ўғлимни кўриб, беихтиёр қўларимга ёш келди, — дейди Дилноза Жумаева. — Ўзим истеъфодаги майорман, эҳтимол шунинг учун бўлса керак, ўғлимга Сардор деб исм қўйганман. Мана, бутун у Тошкент «Темурбеклар мактаби»га ўқишга қабул қилинди. Сардор оилавий анъанамизни муносиб давом эттиришига ишонман.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Қоровул қўшинлари Бош бошқармаси алоҳида намунали-кўргазмалари оркестри тадбир иштирокчиларини концерт дастури билан хушнуд этди.

**Аблай КАМОЛОВ,**  
**ЎЗА мухбири**

*Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ташаббуси билан “Ўзбекистонда нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш истиқболлари” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.*

## Нодавлат таълим муассасалари

хориж тажрибаси асосида ривожланади

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, тадбиркорлар, нодавлат таълим муассасалари раҳбарлари, соҳа мутахассислари иштирок этди.

Давра суҳбатида жорий йил 15 сентябрь кунини Президентимиз томонидан қабул қилинган “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорнинг ижросини таъминлашда ЎзЛиДеПнинг олдида турган устувор вазифалар муҳокама қилинди.


— Ушбу қарор мамлакатимиз таълим тизимида янги саҳифа очди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Одинахон Жамолдинова. — Бугунги кунда юртимизда 43 та нодавлат мактаб тегишли лицензияга эга. Халқаро тажрибанинг кўрсатишича, нодавлат таълим фаолияти билан нафақат ихтисослаштирилган муассасалар, балки бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларга мансуб юридик шахслар: хусусий корхоналар,

фондлар, бирлашмалар ҳам шуғулланади. Бугунгача юртимизда фаолият юритаётган нодавлат таълим муассасалари фаолияти ўрганилганда қўллаб ютуқлар қатори муаммолар ҳам кўзга ташланди. Хусусан, тўлов миқдорининг аниқ тартибда белгиланмагани, педагог кадрларнинг ўз вақтида малака ошириши йўлга қўйилмагани, ўқув дастури ва дарсликларнинг давлат таълим стандартига мувофиқ эмаслиги ҳамда муассасаларнинг санитария талабларига жавоб бермаслиги каби ҳолатлар шулар жумласидан. Нодавлат таълим муассасаларини ташкил қилишда хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиб, соҳага янгиликларни олиб киришимиз керак.

Давра суҳбатида қарор ижросини таъминлашда тадбиркорлар ва ишбилармонлар хиссасини ошириш, ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳларининг фаолиятини таъминлаш борасида чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Зилола МАДАТОВА,**  
**“Ma'rifat” мухбири**

## “Нимани ўргатиш эмас, қандай ўргатиш муҳим”



Бухоро шаҳридаги 38-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Нафиса Сайфуллаева ўқувчилар қалбидо илгари иштиёқ уйғота олган муаллимлардан. Иزلанувчанлиги, ташаббускорлиги боис ҳамкасблари ўртасида катта обрўга эга. Ҳар бир дарсга алоҳида тайёргарлик кўради. Дарсликдан ташқари, қўшимча адабиётлар, интернет маълумотларидан фойдаланади. Мавзуга доир кўргазмалари қуроллар тайёрлайди. Бу ўз навбатида ўқувчиларнинг дарсга қизиқишини оширмоқда. Мониторинг таҳлилларига қўра ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириши ҳар йили 90—93 фоизни ташкил этади.

— Таълим жараёнида энг муҳим жиҳат — нимани ўргатаётганим эмас, балки қандай ўргатаётганим. Педагогик фаолиятимда ҳамаша шунга амал қиламан, — дейди Нафиса Сайфуллаева. — Бир дарсим бошқасида такрорланмаслигига, танлаган услубим ўқувчиларнинг ёш хусусияти ва ўзлаштириш имкониятига мос келишига эътибор қаратаман.

Ўзига хос тажриба ва маҳоратга эга муаллима ёш бўлишига қарамай, айни пайтда мактабда бошланғич таълим методдиришмасига раҳбарлик қилади. Ўтган ўқув йилида “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” куриктанловининг вилоят босқичида фолиблар қаторидан жой олди.

**Гулюз ОРИФЖОНОВА,**  
**“Ma'rifat” мухбири**

Юнусобод туманидаги 274-мактабда “Тўлуқуқ битиктошининг маънавий, тарбиявий аҳамияти” мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди. Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда фан методистлари, она тили ва адабиёт ўқитувчилари иштирок этди. Машгулотларни филология фанлари доктори, профессор Насимхон Раҳмонов ва методист ўқитувчи Маҳмуда Валиева олиб борди.

## Мураккаб мавзунинг ҳамкорликда ўрганиш

10-синф “Адабиёт” дарслигига киририлган “Ўрхун-Энасий обидалари” мавзуси нисбатан мураккаб ҳисобланади, уни тушунтириш биров қийин кеңади. Машгулотларда ушбу мураккаб мавзунинг ўқувчиларга қизиқарли ва осон етказилишини самарали усуллари ҳақида маълумот берилди.

— Бугунги ўқув-семинардан кўп янгиликлар олдик, — дейди Чилонзор туманидаги 114-мактаб ўқитувчиси Шаҳодат Абдуллаева. — Айниқса, тошга битилган китобларга бадий асар деб қараш, улардаги халқ мақол ва маталари, бадий санъат турлари, шакл ва белгилардаги ҳарф ва ўзларни ўқиш сирлари, Тўлуқуқнинг ватанпарварлиги, битикларнинг ҳозирги кундаги аҳамияти ҳақида қимматли маълумотларга эга бўлдик. Мураккаб мавзуларни ўқишда олим ва ўқитувчилар ҳамкорлиги ижобий самара беришига гувоҳ бўлдик.

**МУХБИРИМИЗ**



## «ДЎСТЛИК» ОРДЕНЛИ НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ ЖАМОАСИ



азиз устозларни  
Ўқитувчи ва мураббийлар куни  
умумхалқ байрами муносабати билан  
самимий муборакбод этади!

Ҳаётда инсон ким бўлмасин, қайси соҳада меҳнат  
қилмасин, шубҳасиз, унинг камолотида  
муаллимларнинг беқиёс ҳиссаси бор.

Фарзандларимизга илму фан сирлари ва одамийликдан  
сабоқ бераётган мўътабар зотларга энг яхши тилакларни  
изҳор этиб, уларга мустаҳкам соғлик, хонадонларига  
тинчлик-хотиржамлик,  
фаолиятларида улкан муваффақиятлар тилаймиз!



2017-yil 27-sentabr, № 77 (9038)



**Муҳтарам устозлар!  
Барчангизни умумхалқ байрами —  
Ўқитувчи ва мураббийлар куни  
билан самимий қутлаймиз!**

Сизларга университетимиз жамоасининг эзгу тилаklarини  
йўллашдан мамнунмиз.

Ёш авлодга таълим-тарбия беришдек шарафли ва масъулиятли  
фаолиятингизда доимо омад ва зафарлар ёр бўлсин!

Айёмингиз муборак бўлсин, азиз муаллимлар, қадрли ҳамкасблар!



Низомий номидоғи Тошкент давлат  
педагогика университети жамоаси



# «Биринчи китобим»нинг тақдимоти

*Истеъдод нисола каби эътибор ва гамхўрдикдан янада яшайди, барқ уриб, чуқур илдиз отади. Кун келиб, мева беради.*

Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси томонидан «Биринчи китобим» лойиҳаси доирасида ёш истеъдод эгаларининг илк тўпламлари нашр этилиб, ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани ва рағбатлантирилаётгани замирида ана шундай эзгу мақсад мужассам.

Мазкур лойиҳа доирасида эълон қилинган тўпламларнинг тақдимот маросимида ижод аҳлига, хусусан, ёш ижодкорларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва гамхўрлик эртага ўз меvasини бериши таъкидланди.

— Бугун қалам аҳлига ҳуқуқматимиз томонидан юксак эътибор қаратилляпти. Ижодкорларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантириши, уларга муносиб турмуш шароитини яратиши

борасида олиб борилаётган ишлар барчамизни қувонтирмакда, — дейди Ёзувчилар уюشمаси адабий маслаҳатчиси Фароғат Худойкулова. — Солинган аънавий ёш ижодкорлар семинарининг қайта ташкил этилиши адабиётимизнинг турли йўналишларида қалам тейратаётган ёшларни бир даврага жамлаши, ўзаро соғлом ижодий рақобатга киришишига замин бўлди. Бундан ташқари, ҳар йили «Дўрмон» ижодкорлар боғида ўтказиладиган «Истеъдод мактаби» республика семинари янги-янги истеъдодларни кашф этмокда.

Айни кунга қадар ушбу лойиҳа доирасида 75 нафар ёш ижодкорнинг илк тўпламлари ҳар бири 20 минг нусхада чоп этилиб, юртимиздаги таълим муассасалари кутуб-

хоналарига етказиб берилди. Жорий йил ижодга иштиёқманд иктидор соҳибларидан 21 нафарининг 19 номдаги тўплами дунё юзини кўрди. Дилмурод Дўстбековнинг «Кўксимдаги қуш», Шохсанам Нишонваннинг «Иқрор», Мансур Жумаевнинг «Оқ орзуларим», Элёр Муродовнинг «Тирриклик қўшиғи», Отабек Манглиевнинг «Кўнглинг меннинг Ватаним», Гулрух Худоберова-нинг «Сен ҳақингда сўз айтсам», Абдуманноб Мансуровнинг «Кўнглим харитаси», Хумоюн Қувондиқовнинг «Юлдузлар шивирини», Сайфиддин Окановнинг «Энг чиройли уй», Шохиста Эргашеванинг «Ўн саккизим», Аслиддин Сабриддиновнинг «Тонг», Аллаёр Дарменовнинг «Ой дўст» шеърини тўпламлари, Нодирахон Иброҳимованинг «Ёнингдаги бахт», Манзура Абдуллаеванинг «Кумғон», Байрамали Қулдошевнинг «Куз ёмғирлари» каби насрий китоблари, Сирожиддин Рустамовнинг



«Катта танаффус», Сардорбек Ҳамроевнинг «Баҳодир» драматик асарлари, Зилола Намозованинг «Кўзгуга айланган кўнгил» номли адабий-танқидий мақолалар тўплами ва Дилфуза Қурбонова, Мунира Менглиева ҳамда Вазира Мирзаеванинг таржималари жамланган «Парвоз» номли китоби ҳар бири ўн минг нусхада нашрдан чиқиб, адабиёт ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилди.

— Болаликдаги энг катта орзуларимдан бирига эришдим, — дейди Шохсанам Нишонова. — Илк китобимни қўлимга олгач, мана шундай юксак ишонч ва эътироф улкан масъулият юклаганини хис қилдим. Бу эътибор мен ва ижод оламига кириб келётган барча ёшларни янги марралар сари рағбатлантиради.

Сардор МУСТАҒОЕВ,  
ЎзДЖТУ талабаси

## Ҳарбий спортчилар — юртни шарафлар

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан ҳарбий спортчиларнинг халқаро мусобақаларда эришган ютуқларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Унда жорий йил мобайнида мамлакатимизнинг ўсмирлар, ёшлар ҳамда миллий терма жамоалари таркибида жаҳон чемпионати, китъа биринчиликлари ва бошқа нуфузли спорт тадбирларида иштирок этган Марказий ҳарбий спорт клуби аъзолари муваффақияти хусусида сўз борди. Утган вақт давомида ҳарбий спортчиларимиз халқаро мусобақаларда жами 69 та, республика миқёсидаги биринчиликларда эса 420 та медал жамғаргани таъкидланди.

Айтиши жоизки, МХСКда айни кунда спортнинг 17 тури бўйича машғулотлар йўлга қўйилган. Бу эса муассасада спортга бўлган қизиқиш ва иштиёқни янада оширишга, чемпионлар этибичи қишига замин яратмокда. Масалан, 2016 йили Бразилияда бўлиб ўтган ёзги олимпиадада спорт клуби тарбияланувчилари ҳам иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритди. Улар орасида боксчиларимиз Бектемир Мелиқўзиев кумуш, Муроджон Аҳмадалиев ҳамда дзюдочимиз Ришод Собиров бронза медалини қўлга киритди.

Тадбирда вазирлик ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси масъул ходимлари, юртимиз шарафини жаҳон ареналарида улуғлаётган МХСКнинг таниқли спортчилари, спорт федерациялари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Зоҳиджон ХОЛОВ,  
«Ma'rifat» мухбири

**Азизова Феруза Лютпиллаеванинг 14.00.07 — Гигиена (тиббиёт фанлари) ихтисослиги бўйича «Ривожланишида нуқсонли бўлган болалар муассасаларида қулай гигиеник таълим-тарбия шароитларини яратиш муаммосининг ечилиши» мавзусидаги докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузурдаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Тиб.30.03 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 5 октябрь кунини соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.**

**Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Форобий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси 1-ўқув биноси, 4-қават, мажлис зал. Тел/факс: (0-371) 150-78-25; e-mail: та2005@tel.ru.**

**Хаккулов Эркин Бекмурзаевичнинг 14.00.35 — Болалар хирургияси ихтисослиги бўйича «Болаларда уретерогидронефрозни ташхислаш ва жарроҳлик усуллари тактикасини оптималлаштириш» (тиббиёт фанлари) мавзусидаги докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузурдаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Тиб.29.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 23 октябрь кунини соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.**

**Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел/факс: (0-371) 262-33-14; e-mail: tashpmi@gmail.com.**

**Тошов Жавохир Буриевичнинг 04.00.10 — «Гео-технология (очиқ, ер ости ва қурилиш)» ва 04.00.11 — «Қудуқларни бурғилаш ва ўзлаштириш технологияси» (техника фанлари) ихтисосликлари бўйича «Очиқ кончилик ишларида портлатилиш қудуқларини бурғилашда тоғ жинсларини парчаловчи асбоблар динамикасини оптималлаштириш» мавзусидаги докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Навоий давлат кончилик институти ва Тошкент давлат техника университети ҳузурдаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Т.06.01 рақамли илмий кенгаши асосида тузилган бир марталик илмий кенгашининг 2017 йил 4 октябрь кунини соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.**

**Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Жанубий кўчаси, 27-«А» уй. Навоий давлат кончилик институти. Тел/факс: (0-434) 225-12-30, 770-29-30; e-mail: nvmi\_info@edu.uz.**

**Самадов Алишер Усмановичнинг 04.00.14 — «Фойдали қазилмаларни бойитиш» (техника фанлари) ихтисослиги бўйича «Кон-металлургия сананоатида ҳосил бўлган техноген маҳсулотларини қайта ишлашга комплекс ёндашишнинг ўзига хос хусусиятлари» мавзусидаги докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Навоий давлат кончилик институти ва Тошкент давлат техника университети ҳузурдаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Т.06.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 4 октябрь кунини соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.**

**Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Жанубий кўчаси, 27-«А» уй. Навоий давлат кончилик институти. Тел/факс: (0-434) 225-12-30, 770-29-30; e-mail: nvmi\_info@edu.uz.**

**Ҳасилбеков Ахназар Ядгаровичнинг 06.02.03 — Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси (қишлоқ хўжалиги фанлари) ихтисослиги бўйича «Қўй жунларини механик тозалашнинг илмий ва амалий асосларини такомиллаштириш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти ва Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик илмий тадқиқот институти ҳузурдаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017. Қ/В.12.02 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 5 октябрь кунини соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.**

**Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-уй. Тел/факс: (0-366) 234-33-20, 234-07-86; e-mail: saiinfo@edu.uz.**

**Аминжонов Шерзод Мирабосовичнинг 03.00.06 — Зоология (ветеринария фанлари) ихтисослиги бўйича «Ҳайвонларнинг асосий цестодозлари ва уларга қарши иммунопрофилактика тадбирларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ва Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик илмий-тадқиқот институти ҳузурдаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017. Қ/В.12.02 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 5 октябрь кунини соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.**

**Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-уй. Тел/факс: (0-366) 234-33-20, 234-07-86; e-mail: saiinfo@edu.uz.**

2017-yil 27-sentabr, № 77 (9038)

## Muallim — millatning yuzi

"Нахот Файбулла ирғиб ўрнидан туриб кетди.

— Муаллимлик жону дилим. Болалар орасида бўлишни жуда-жуда ёқтираман. Ишонинг, домла. Мана шу орзу мени бу ёққа бошлаб келди. Болаларсиз ҳаётимни тасаввур ҳам қилолмайман. Болалар менинг тақдирим. Улар билан юз соатлаб шугуллансам ҳам чарчамайман. Ишонинг, домла..."

Мазкур парча қайси асардан олинганини билмаган бўлсангиз айтаман: Нахот Файбулла дегани ёзувчи Луқмон Бўрихоннинг "Сирли муаллим" номли қиссаси бosh қаҳрамони. Харакатлари ғалати, сирли инсон. Олис қишлоқдаги мактабга ишга келади, бу ердаги мухитни бутунлай ўзгартириб юборади. Гоҳ машинасини тўлдириб турли китоблар келтирса, гоҳ жўғрофия хонасини телерадиоаппаратуралар билан жиҳозлаб, сабоқ бера-

Яхши ўқитувчини ўзи ўтаётган машғулотлар самараси, унинг лаёқатсиз ҳамкасбини эса олинадиган машошнинг чўғи қизиқтиради. Бундан икки-уч йил муқаддам тумандаги мактаблардан бирига бурганимда жамоа раҳбарини жиғибийрони чиқиб турган ҳолатда учратдим.

— Нега асабийлашяпсиз, — сўрадим ҳамкасбимдан.

— Нимасини айтмай, биродар, ҳозиргина ясама ўқитувчини аранг хонадан чиқардим.

— Нима?

— Узи маҳаллий коллежни бир амаллаб тугатган, олдида қоғоз суриб, исм-фамилиянигизни ёз десам — тенг ярми хато. Дарси оз эмиш, тиши ўтмайдиған фандан сабоқ бериш нияти ҳам йўқ эмас. Билмадим, бу "академик"лар қаердан пайдо бўлишяпти. Ишонмасангиз, бир қараб кўринг.

Кўнглимнинг ярмида манави китоб-дафтар, ярмида йўқолган эчки. Ақлушууримнинг ярмида эртанги дарслар ташвиши, ярмида эса молу жон қайғуси...

...Нахот Файбулла бизга бегона эди. Биз-чи?! Бу ёғини ўйласам, тўғриси тубсиз жар лабида тургандек ҳис қиламан ўзимни. Бироқ айнан шу савол хаёлимда тегирмон тошидек бот-бот айланаверади. "Биз-чи?! Ишқилиб, биз мактабга бегона эмасми?..."

Бу кун ўтказиш учун дарс ўтишга кўниб қолган "қолипдаги ўқитувчи"нинг истиғфори. Ўқитувчи учун мактаб иши, янги педагогик технологияларни излаб топиш, амал қилиш, ўқувчилари онгида бир умрга муҳрланиб қолишга қодир даражада сабоқ бериш масаласи умр мазмунига айланмас экан, кўзланган мақсадга эришиш мушкул. Афсуски, ҳали сафимиз-

## Инсонийлик мезони

Олтмиш йил ўтган бўлишига қарамай, менга илк бор ҳарф ўргатган инсонни ҳамон эслайман. У кишини бутун қишлоқ ақли ҳурмат-эҳтиром билан "Аҳмад малим" дея тилга оларди. Жом қишлоғида Аҳмад Шаматовнинг сабоғини олмаган киши топилмасди. Соддадил ва камтарин, юзидан нур ёғилиб турувчи бу муаллим мен учун умр бўйи ахлоқий тимсоли бўлиб қолди.

Фақат Аҳмад муаллимнинг эмас, балки ўн йил давомида сабоқ берган барча ўқитувчиларнинг қиёфасида инсонийликни кўрардик. Бола қалбимиз билан дунёда ўқитувчидан кўра азиз ва мўътабар зот йўқ деб билардик. Ҳамқишлоқларимиз ҳам ўқитувчиларни алоҳида иззат қилишар, тўй-маъракада тўрдан жой беришарди.

Соддалигимизни қаранг, кунларнинг бирида болалардан қамтир ўқитувчиларнинг оқданилаётганини кўриб қолибди. Синфга келиб, "Эй, биласизларми, муаллимларимиз ҳам оқват ер экан. Ҳозиргина нон чайнаб турганини ўзим кўрдим!" деди шошилиб. Ақлимизни тангач, бу гапни кулиб эслайдиган бўлдик.

Ўқитувчилик биз учун фақат ибрат олишга арзийдиган касб эгаси бўлиб, "Муаллим бу иш нотўғри ёки бундай қилиш мумкин эмаслигини айтди" десак, ота-онамиз ҳам у кишини қўллаб-қувватлаб, "Майли, устозинг билади, нима деса шу", дея кўнишарди.

Устозларимиз дарсни шунчалар меҳр билан ўтардики, бунинг самараси ўлароқ турли соҳаларни эгалладик, одамийликни ўргандик. Катталарга салом беришни, ёлғиз яшайдиган қарияларга қарашини, ҳатто ўзаро муносабатларнинг муҳим жиҳатларига тушунтирган ҳам улар эди. Мабодо икки синфдош уришиб қўлиб, бир-бири билан гаплашмай юрса, устоз эшитса, хафа бўлади деб, дарҳол ярашиб олганларимиз-чи?

Бугун ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари янги босқичга кўтарилди. Хизмат юзасидан қўллаб таълим даргоҳларига бориб, фарзандларимизга билим бераётган педагоглар билан учрашиб, суҳбатлашимизга тўғри келади. Уларнинг ўз касбидан мамнун эканлигини юз-кўздан сезаман.

Дилором ЁРМАТОВА,  
ЎзДЖТУ профессори

## Қаердасиз, сирли муаллимлар?

ди. Дарс жараёнида ўқувчилар тропик мамлакатлар ҳақида тушунчага эга бўлиши учун банан улашиб чиқади. Қисқаси, унинг ўзига хос харақати туфайли ўқитувчилари кун ўтказишга одатланган мактаб ҳаётида туб бурилиш ясалади. Ҳатто муаллимларнинг кийинишию дарсга муносабатида кескин ўзгаришлар рўй беради.

Эҳтилол, бу асар қўлингизга тушмагандир? Майли, ҳалиям кеч эмас, уни мутолаа қилсангиз, афсусланмайсиз. Балки сизда ҳам мактаб ёшидаги ўғил-қизингиз Нахот Файбулла қўлида таҳсил олиши ҳақида истак туғилар. Мана, мен салкам ярим аср шу соҳа нонини татиган бўлсам-да, беихтиёр ширин хаёл сураман, қани эди мактабларимизда шундай ўқитувчилар кўпайса!?

"Нозима бундан атиги икки йилча илгари шу мактабни аранг битириб кетган эди. Онаси тили-жағли, шата аёл. Бизда фаррош. У ёққа чопди, бу ёққа чопди, охири қизини аллақердаги педколлежга ўқига киритди. Сўнг яна зир-зир югуриб, гоҳ ҳокимиятга, гоҳ прокуратурага арз қила-қила Нозимани тагин қўлимизга эсон-омон топширди. Бошланғич синф муаллимлигини беришга мажбур бўлдик. Мен бир гал онасига ала билан юзлангилар: "Нозима ғирт саводсиз-ку? Болаларнинг уволига қоласиз-а?!" дедим.

Фаррош аёл пинагини ҳам бузмади: "Яхши-да, қайта ўқиб олади, ўргилай..."

Бу лавҳа асардаги мактаб директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари Норхол Хўшбоқова тилидан ҳикоя қилинган. Бироз кинога, чимдим ҳақиқат ётган сўзлар бугунги мактаблар ҳаётига ним ишора. Ҳа, сўнгги йиллар мамлакатимизда коллежлар кўпайгани ҳам, йўналишидан, соҳа бўйича дарс беришга қодир малакали мутахассислар бор-йўқлигидан қатъи назар, касб-ҳунар мактабларида битирувчисига бошланғич таълим фани ўқитувчиси ихтисосини берадиган бўлимлар очилгани ҳам, улар турли йўллар билан мактабларга жойлашиб олишгани ҳам бор гап. Коллеж битирувчиси ота-онасини ўз фарзандининг иқтидори қизиқтириб ўтирмайди, муҳими, бир амаллаб ишга жойлаштириб ола бас. Қарабсизки, бир битирувчи истеъдоди билан муаллимлар сафидан жой олади, ўнтаси танишлар томонидан мактабга қилинган тазйиқ натижасида "эўраки табиб" бўлиб ишчи ўрнига эга чиқишади.

Ҳамкасбим олдимга ташлаган синф журналидан шу ўқитувчи тўлдирган саҳифаларни кўздан кечирдим. Ўқувчиларни баҳолаш тизими бузилган, ҳатто иш режасидан кўчириб ёзилган мавзуларда ҳам имловий хатолар гиж-ғиж. Бу билан коллеж битирувчилари ёппасига саводсиз, деган даъвои олға сурмоқчи эмасман. Шолнинг ичидagi курмаклар олий маълумотлилар ўртасида ҳам бор. Ақсича, коллеж дипломи билан ишлаб, шоғирдларнинг суюқлисига айланган ўнлаб педагогларни биламан.

Ҳа, малакали муаллимларни тайёрлаш борасида кадрлар тақчиллиги юзага келаётгани бот-бот тақдорланаётган эди. Ана шу эҳтиёжни қондириш мақсадида педагогика йўналишига ихтисослашган 15 та олий таълим муассасасида махсус сиртки бўлимлар очилгани хайрли иш бўлди. Негаки, бугун мактабларимизда 10—20 йиллик иш тажрибасига эга қўллаб изланувчан, ўз ишининг фидойиси бўлган ўрта махсус маълумотли муаллимлар фаолият кўрсатишяпти, улар меҳнати маҳсули ҳам кўзга яққол ташланяпти. Фақат шундай бўлимларга тингловчилар қабул қилишда талабгорнинг фаолияти самараси ҳам инобатга олинса, нур устига нур бўларди.

Ўн бир йиллик мактаб таълими тизимига ўтган эканмиз, ҳадемай ўрта таълим масканлари юзидаги парда туширилишига ҳам гувоҳ бўламиз. Қандай парда дея бosh қотирмасингиздан сирни очиб қўяқолай — тўққиз йиллик таълим мактаб юзидаги парда эди. Шу пайтагача ҳаммасига лицей, коллеж балоғардон бўлиб келаётганди. Битирувчилари олий ўқув юртига ёки муқим ишга киролмас, улар жавоб беришар, ўқувчининг тўққиз йили ўтган мактаб эса парда ортида қоларди.

Гапнинг очиги, йиллар давомида биронта битирувчиси таҳсилнинг кейинги босқичини жиддий танлов асосида қабул қилинадиган академик лицей ёки касб-ҳунар коллежларида давом эттирмаган ўнлаб мактабларни санаш мумкин. Ҳақли савол туғилади: улардаги бундай паст кўрсаткич илдишлари қаерда? Саволга жавоб излаш олдида тагин юқорида зикр этилган асардан олинган парчага мурожаат этамиз:

"Эртанги дарсларга тараддуд кўришим, консспект ёзишим керак эди. Ноилож, китоб-дафтарларимни хонтахта устига олдим. Бироқ на китоб варақлагим, на қоғоз қоралагим келади.

да ностандарт фикрлайдиганларга қараганда, "ғилоф бандаси" бўлиб қолган ўқитувчилар кўп. Соҳани бир амаллаб рўзгор тебратиш қуролига айлантирган муаллимлар изланувчан, янгилик яратувчан ҳамкасбларини ҳам турли йўллар билан ўз сафларига қўшиб олиш пайида юришади.

Мактаб ва коллеж таълимини олиб, олий ўқув юртига қира олмаганидан сўнг репетиторлик хизматидан фойдаланаётган ёш суҳбатдошим айтган амаллаб рўзгор тебратиш қуролига катнай бошлаганидан кейин ўзим ўқиган мактабу коллеждан ҳам, таҳсил берган устозларимдан ҳам кўнглим қолди.

Нақадар аянчли мулоҳаза. Бугун мактаб ишини, ўқувчини севмасдан туриб, бири-иккинчисига эгизак дарс ўтиш билан ўқувчи эҳтиёжини қондириб бўлмагани каби меҳрини ҳам қозониш қийин.

...Нахот Файбулла туғма муаллим. Табиатидаги шу эҳсон туфайли қисқа фурсат ичида онгли ҳаётидаги энг олий мақсад — сифатли дарс ўтиш, юқори самарадорликка эришиш йўлини топа олган. Унинг кийинишидан тортиб юриш-туришигача, муомала маданиятию ҳар бир дарсга умридаги алоҳида воқеа деб қарашигача шундан дарак бериб турибди. Балки бу муаллимнинг ўз асарини ўқишли қилиш учун топган унсурдир. Гапнинг қисқаси Нахот Файбулланнинг ягона камчилиги бор — унинг дипломи чатоқ. Шу камчилиги туфайли мактабдан ҳайдалган муаллим асар ниҳоясида қисқа фурсат бирга ишлашган жамоадошларига қарата шундай дейди:

"Илмдан болаларгина ҳайратланишади. Мурғак онгига, ўй-хаёлига кириб келган озгина янгилик ҳам жажжиларни чинакамига қувонтиради, чинакамига ҳаяжонлантиради. Уларнинг севинчига севинч, ҳайратига ҳайрат қўшишдан-да ортиқ қандай бахт бор? Болаларнинг беғубор қалбида янги-янги дунё очувчи, кўнглига илм сехрини солувчи инсон — бу муаллимдир..."


Мактаб таълими янги поғоналарга кўтариляпти. Бугун бизга таълим сифатини оширишни кўзлаган юзлаб, минглаб Нахот Файбуллалар керак, фақат олий таълим олган, ўқувчини ҳайратлантиришни ўз таомлига айлантирган Нахот Файбуллалар.

Абдунаби АБДИЕВ,  
Миришкор туманидаги  
22-мактаб директори

# AGROBANK

Қадрли устозларимизни Ўқитувчи ва мураббийлар кунини умумхалқ байрами билан самимий муборакбод этамиз!

Барчангизга тинчлик-тотувлик, оилавий бахт ва хотиржамлик тилаган ҳолда қуйидаги банк хизмат турларини таклиф этамиз:



**Картадан картага тўлов**



**Кредитларни сўндириш**



**Бошқа барча тўловлар**

# ТОШКЕНТ ТЎҶИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ



*Мамлакатимиз фан-таълим  
тизимида меҳнат қилаётган  
барча юртдошларимизни*

***Ўқитувчи ва мураббийлар кунни***

*умумхалқ байрами билан самимий  
муборакбод этамиз!*

*Тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат,  
узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!*



## Ehtirom

*Мазмуни яшамоқ. Бу ҳам улғу ҳикмат, бахт. Бор салоҳиятини ҳақ маънавиятига камарбаста билган, келажак авлодга ўрнак-намуна бўлғулик хайрли ишларни амалга оширган фидоий инсонларгагина насиб этгувчи саодат йўли. Моҳир педагог, ажойиб ва дилғир инсон Оқилхон ота Шарафиддинов ана шундай мазмуни умр кечирган устоз-мураббий. Унинг нафақат биз учун, балки тожик, қирғиз, туркман, қozoқ ўқитувчи-ўқувчилари ва ота-оналар учун ҳам бирдай қадрли олижаноб меҳнати бор.*

Оқилхон Шарафиддинов Саидрасул Саидазизов, Мунавварқори Абдурашидзонов, Ашурали Зоҳирий, Абдуқодир Шақурий, Шоқиржон Раҳимий каби устозлар изидан бориб, 1938 йили "Алифбе" тўзиб, болаларга тавсия этган. Бу дарслик лотин, кирилл ёзувларида чоп этилиб, ўзининг миллий руҳда тузилгани, кўп йиллик тажриба асосида осондан қийинга, соддан мураккабга асосланган усуллари қамраб олгани билан характерли.

Алифбе — қалб кўри билан ёзилган шoҳ китоб. Жамиятда ўз ўрнига эга кимки бор: эл ардоғидаги олим, академик, вазир фузалоларнинг бари аввал боши "Алифбе"ни ўқиб, хат-савад чикарган.

## Нурли ҳаёт

1967-1968 ўқув йили республика мида мактаб ислохотлари бошланди. Дастур, дарсликлар, ўқув қўлланмаларини қайта ишлаш масаласи ҳукмат томонидан белгиланди. Оқилхон Шарафиддинов томонидан тузилган "Алифбе" дарслигини замон талаби асосида қайта тузиш вазифаси юкланди. Устозга бу жараёнда бир неча муаллифнинг иштирок этиши маълум қилинибди. Шу гуруҳ ичида мен ҳам бор эдим. Оқилхон ота олти-етти муаллиф гуруҳи ичидан менинг номзодимни кўрсатибди.

Боси, мен номзодлик диссертацияни ёзишда бошланғич синфлар учун тузилган ўқув дастурлари ва дарсликларини педагогик, методик ва психологик жиҳатдан таҳлил қилиб, шу жумладан, Оқилхон Шарафиддинов тузган дарсликлардаги айрим жиҳатларни замон талабига монанд ўзгартиришни айтиб, домладан маслаҳат сўраган эдим. Устоз таклифларимни бажонидил инobatта олганди.

"Алифбе" тузиш таклифини эшитгач, рости, иккиландим. Бундай масъулиятни зиммамга ола билармиканман?

Ўшанда фарзандларим ҳали ёш, катта оила келиниман. Масалани ҳар жиҳатдан чуқур ўйладим, турмуш ўртоғимдан маслаҳат сўрадим. У ҳам олим бўлгани сабабли, "уриниб кўринг, оилада биз болалар тарбиясида сизга ёрдамлашамиз" деб фикримни ёқланди. Кўнглим тоғдек кўтарилди.

Тошкентнинг Жангтоҳ деган жойдаги "Ўқитувчилар уйи"да иш бошладик...

Устознинг кўнглини оғритиб кўймаслик учун таклиф ва фикр-мулоҳазаларимни оҳисталик билан айтишга, фикримни бироз андиша билан тушунтиришга, дарсликни замон талаби асосида янгилашга астойдил ҳаракат қилдим. Устоз бу уринишлар

римни маъқуллагандай бўлиб, "тўғри", "маъқул", "бўлади" деган сўзлар билан менинг жараёнга киришимга йўл очди. Ишларимиз юришиб, жадал давом эта бошлади.

Киш бошланди. 1969 йили аксига олиб, совуқ авжига чиқди. Домланинг уйи Кўкчада эди, аввалгидек "Ўқитувчилар уйи"га келишининг имкони бўлмади қолди. Йўллар сирпанчиқ, тойиб-йиқилиб, бирор нима бўлмасин, деб ишни устознинг уйда давом эттиришга тўғри келди. Камтарин инсоннинг турмуш тарзи ҳам оддий, хонадон жуда файзли, тароватли эди...

Болам Жўрўтбек ўшанда олти ойлик эди. Эрталабдан кенгача устоз хонадониди дарслик тузишда иштирок этдим. Устознинг Дилором, Саидборий, Саидодил исми неваралари биз-

га расм саралашда ёрдамлашарди. Торгина хонада печка ловуллаб ёниб туришига қарамай, совуқ зўридан қўлларимиз увишиб, ёзолмай қоларди:

— Қиш кетидан баҳор, кейин ёз келди, — деб тасалли берарди устоз.

Кўринишидан жуда содда, ўзбек боболарига хос салобат, сокин сўзлаши, бироз тин олиб, яна гапни давом эттиришини ҳали-ҳали эсламан. Бу инсон ўта камтар эди. Эслаганимда гоҳо кўзимга ёш келиб, эй Худойим, бундай инсонлар минг йиллар яшаса бўлмасмиди, деб қўяман ичимда. Устоз жуда зийрак ва ҳар бир нарсани ўйлаб, ўлчаб фикр юртар эди. Кўнгил бериб қилинган меҳ-

мактабда улар янги "Алифбе" билан қандай ишлашга тайёрланди.

## Инсонни меҳнат улғулайди

Устознинг изланишлари ўз эътирофини топди: Украинада ўтказилган ўқитувчилар съезидида биринчи бўлиб Қаҳрамон унвонига сазовор бўлгани тарих саҳифаларида муҳрланиб қолди.

Устозни шоду-хуррамлик билан кутиб олдик. Шунда у: "Қизим, қадмингиз кутлуг келди... Қаранг, мукофот беришди. Мен бор-йўғи олтинчи синф маълумотиغا эгаман. Энди ўша замонлар катта ўқишлар насиб этмаган. "Алифбе" фарзандингиздек бўлсин. Уни яхшилаб такомиллаштириб, болаларбop қилиб, ҳар йили нашрга тайёрланг", дея дуога қўл очди.

"Алифбе" синовдан муваффақиятли ўтди. 1969 йили "Ўқитувчи" нашриётида 600 минг нусxada чоп этилди. Унинг республикамиздаги барча мактабларда ўқитилиши бўйича вазирлик буйруғи чиқди. "Яхшига ёндашсанг — етарсан муродга" деганларидек, устоз шарофати билан "Алифбе" дарслигини қандай тузишни ўрганиб, йил сайин уни такомиллаштиришга интилдим.

Шундай кўнларнинг бирида "Алифбе"нинг методик томонлари тўғрисида рус "Буквар" тузувчиларидан бири, атоқли психолог олим В.А.Кирюшкин билан учрашиб, маслаҳат олиш фикри туғилди.

Куз ойлари эди. Виктор Андреевич Кирюшкин Россиянинг энг чекка шаҳри Балашовда яшар экан. Мен Хўрибишев шахригача самолётда, сўнг Балашовга поездда бориб, олим билан учрашдим. У биз тузган "Алифбе"нинг баъзи жойларини ўзгартиришни, саҳифаларда берилган расмларни бир йўналишга солиш, яъни агар оила мавзусида бўлса, расмларни ҳам оилага мослаб, умумлаштириб беришни, дарслик тилини болалар тушунадиган содда сўзлар билан бойитишни, мавҳум фикрлар ифода этилган гапларни киритмасликни маслаҳат берди.

## Устоз хонадониди

Оқилхон Шарафиддинов яшаб ўтган хонадон файзли, тароватли. Неvara, эваралар жам бўлиб, боболарини эслаб: "Бобомнинг хонасида катта расми бор. У кўп китоблар ёзган" деса, иккинчи эвараси: "Бобом қаҳрамон бўлган! Ана, қўсиди юлдузлари бор", дея фахрланади. Бу сўзларни эшитиш қандай завқли! Устоз доим "Ўқитувчиликнинг улғуворлиги жамиятининг турли соҳаларида шоғирдларимиз меҳнат қилишидадир", дерди.

Хонага кириб, устозни яна қўрган-дек, суҳбатлашиб турган вақтларни эсладим.

Кўмри АБДУЛЛАЕВА

## Устоз алифбоси

нат ўз мевасини беради, албатта. "Алифбе" канчалик яхши тузилса, савдо ўргатиш шунча осон бўлади", дерди устоз.

Кўнлар шу зайл ўтаверди, ишимиз анча силжиди. Ниҳоят, дарсликни "Ўқитувчи" нашриёти қабул қилиб олди. Шунингдек, Фафур Фулом номидаги энг яхши дарсликлар танловига ҳам тақдим этдик. Танловга бир нечта "Алифбе" дарслиги топширилган экан. Ҳакамлар ҳайъати дарсликлар билан узоқ танишиб, охири, биз тайёрлаган "Алифбе"ни маъқул топди. Дарслик чоп этилди. Қувончимизни айтинг!

Дарслик республикамиздаги 500 та мактабда синаб кўрилиши учун ёз ойда вилоятлардан ўқитувчилар таклиф этилиб, Тошкент шаҳридаги 41-

нашр бўлади, албатта. "Алифбе" канчалик яхши тузилса, савдо ўргатиш шунча осон бўлади", дерди устоз.

Кўнлар шу зайл ўтаверди, ишимиз анча силжиди. Ниҳоят, дарсликни "Ўқитувчи" нашриёти қабул қилиб олди. Шунингдек, Фафур Фулом номидаги энг яхши дарсликлар танловига ҳам тақдим этдик. Танловга бир нечта "Алифбе" дарслиги топширилган экан. Ҳакамлар ҳайъати дарсликлар билан узоқ танишиб, охири, биз тайёрлаган "Алифбе"ни маъқул топди. Дарслик чоп этилди. Қувончимизни айтинг!

Дарслик республикамиздаги 500 та мактабда синаб кўрилиши учун ёз ойда вилоятлардан ўқитувчилар таклиф этилиб, Тошкент шаҳридаги 41-

## Устознинг ён дафтарида:

*Муаллимнинг хатти-ҳаракатини минглаб оддий, аммо маъноли кўзлар кузатиб боради.*

\*\*\*

*Ўқитувчи ўқувчиси йўл қўйган хатоларга кечиримли бўлади, аммо ўқувчи ўқитувчиси қилган хатони бир умр эслаб қолади.*

\*\*\*

*Ўқитувчи қирқ йил сабоқ берган бўлса-да, ҳар кун тўлиқ маълумотли хундалик дарс режасига эга бўлмоғи лозим.*

\*\*\*

*Файзли хонадонларда фариштали ўғил-қизлар ўсиб-ўлғаядики, ўқитувчининг уларни маънавият чўққисига етаклаши осонлашади.*

\*\*\*

*Инсон улғайган сари унинг истиази заруратга айланади, у ўз касбининг фидоийиси бўлгандагина истиадаги зарурат рўёбга чиқа боради.*

\*\*\*

*Дарсликнинг ўқувчи учун ёзилганини ҳис этган ўқитувчигина ўқувчилар билганини чуқурлаштириш омилиридан фойдаланади.*

\*\*\*

*Бахт-саодатни инсонга фақат ҳалол ва тинимсиз меҳнатгина келтиради.*

\*\*\*

*Инсон учун маънавий, руҳий озۇқа, моддий озۇқадан минг марта афзал.*

## Ra'no muallimning mehri

*Chiroyli kiyingan, charos ko'zlari, qalin qoshlari o'ziga yarashib turgan, qalbi qovonchga to'lgan qizaloq ilk bor maktabga kelar ekan, birdan uning xayolini turfa fikrlar egalladi. Tili chuchukligini sezib qolgan sinfdoshlarining bir-biriga qarab kulayotgani ko'z oldiga kela boshladi. Lekin o'qishga ishtiyiq bilan olg'a intildi. Nihoyat, maktabga yetib keldi.*

Nodira bolalarning uni mazax qilishlari mumkinligini o'ylayverib o'ta tortinchoq va uyatchan bo'lib qolgandi. Shuning hosilasi o'laroq kichik-kichik qadamlar bilan asta sinfxonaga kirdi. Dars boshlandi. Nodiraning

qo'lida "Alifbe" kitobi. Istarasi issiq uztoz Ra'no opa uning oldiga kelib mayin jilmaydi. U-bu haqida suhbatlashgan bo'ldi. Birinchi dars ham tugadi. O'quvchilar tanaffusga chiqib ketishayotganda

Ra'no opa Nodirani yoniga chaqirdi.

— Qizalog'im, bugundan boshlab sen bilan har kuni darsdan keyin shug'ullanamiz. Senga to'g'ri talaffuz qilishni o'rgataman. Faqat o'zing ham harakat qil, maylimi?

Qizaloq sekingina bosh silktidi.

Nodira bilan uyda onasi ham shug'ullanardi. Lekin u ko'pincha uy ishlari bilan band edi. Ba'zan akalari "arra" deb aytchi desa, u "alla" deb talaffuz qilardi.

Qayta-qayta aytib ham to'g'ri talaffuz qila olmaganidan keyin yig'lab yuborardi.

Kunlar, oylar o'ta boshladi. Ra'no opa Nodira bilan tinimsiz shug'ullanar, undan mehrini ham, vaqtini ham ayamasdi. Xullas, ustoiz butun borlig'ni shogirdiga bag'ishladi. Natija esa...

Nodira 4-sinfga o'tganida sinfdoshlari "O'qituvchi va murabbiylar kuni" munosabati bilan badiiy kecha tayyorlashdi. Unda Nodira so'zlarni aniq talaffuz qilib, chiroyli she'r aytdi. Bunchalik

ravon she'r aytish Nodiraning qo'lidan kelishini ko'rganlar hayratda edi. Biyron so'zlayotgan o'quvchisini ko'rib yuragi olam-olam zavqqa to'lgan Ra'no opa esa shu yillar davomida chekkan barcha mashaqqatlarini bir zumda unutgandi.

...Odamlar orasidagi sukunatni yana Nodiraning jarangli ovozi buzdi.

Bu ovoz muallim mehri-ning, kasbiga sadoqatining, fidoyilik va jonkuyarlikning tantanasi yanglig' jaranglari.

Marjona UMAROVA,  
Nurota tumanidagi  
3-maktabning 8-sinf  
o'quvchisi

2017-yil 27-sentabr, № 77 (9038)

# Етмишдан ошган навқирон отахон

## спорт билан шуғулланиш бобида ёшларга ўрнак бўлмоқда

*Ҳамиша ҳаракатда бўлган одамга қариллик ҳам, касаллик ҳам яқинлашмайди. Инсон учун саломатликдан ортиқ бошқача йўқ асида. Хусусан, мақоламиз қаҳрамони Мирвали Набиев 70 ёшдан ошган бўлса-да, ҳамон тетик ва чаққон эканлиги сўзимизнинг исботидир.*

У болалигидан спорт билан шуғулланади. Ҳозир ҳам қариганини тан олмайди, кексайиб қолдим, деб ўзини четга тортмайди. Дўстлари, яқинлари уни Мирвали ёки Мирвали бобо, деб эмас, «Миша ака» деб қақришининг сабаби шундир эҳтимол.

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг олий лигасида ўйнаб келаётган «Обод» клуби машғулот ўтказадиган стадионни Мирвали акасиз тасаввур қилиш мушкул. Клуб футболчиларидан тортиб, томосабонларгача, мураббийидан тортиб, оддий хизматчиларигача уни ҳурмат қилади, дуосини олади.

Отахон Юнусободдан Яшнободга «Обод»нинг футбол майдонига келади, спорт билан шуғулланади. Кези келганда, ёшларга футбол сирларини ҳам ўргатади. Айниқса, ёшлик чоғлари иккинчи лига жамоаларида дарвозабон сифатида ўйнаб, орттирган тажрибаларини навқирон авлод вакилларида ўргатишни жуда ёқтиради. Дарвоқе, Мирвали ака бир пайтлар «Фаллаорол», «Инструментальный» ва «Авангард» (Россия) клублари шарафини ҳимоя қилиб, рақиб жамоа ҳужумчиларига бошогрик бўлган.

— Мана шундай ажойиб кунларнинг бирида жароҳат олдим, — дейди М.Набиев. — Шу-шу профессионал футболдаги фаолиятим охирига етмай, тугади. Лекин спортга бўлган меҳрим, иштиёқим бир лаҳза ҳам сўнмади. Спорт билан ўз саломатлигим учун, иродамни, иммунитетимни мустаҳкамлаш учун шуғулландим. Мана, ҳақлигача ҳаракатни тўхтатганим йўқ.


Ўз вақтида Лев Яшин, Юрий Пшеничников каби машҳур дарвозабонларга ҳавас қилиб, қўлига қўлқоп кийган ва илк муваффақиятларга эришган пайтда футбол билан хайрлашиш, албатта,

оғриқли ҳолат. Мирвали акага бу вазиятдан чиқиб кетишида оиласи энг яқин кўмакчи бўлди. Айниқса, турмуш ўртоғи Салима ая билан 2 қиз, 2 ўғилни тарбиялаб, вояга етказиш асносида ҳаётнинг чинакам бахтини, саодатини туйди. Бугун улар 11 нафар набиранинг сеvimли бобожону бувижониси бўлиб, кексалик гаштини сурмоқда.

Маҳалладошлари Мирвали акани «спортчи чол» дейишаркан. Спортчи чол қандай бўлади? 71 ёшида яёв юриб, Самарқандга, кейин Шахрисабзга бориб келиш чолларга осонми? Дарвоқе, Мирвали ака Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов қабрини зиёрат қилиш учун шу йилнинг апрель-май ойларида йўлга чиқди. Бир неча тенгқурлари ҳамроҳлигида юзлаб километр масофани босиб ўтиб, ниҳоят, Самарқанд заминига етиб борди. Ижтимоий тармоқларда отахоннинг жасорати, кўнглига хусусида кўп ёзилди.

— Кўпчилик тенгдошларим «Бўлди, энди қаридик», деб чойхонада ўтиришни, ўзини аяб, жинни қойитмасликни истаиди, — дейди Мирвали ака. — Мен, аксинча, уйда ўтиролмайман, касал бўлиб қоламан. Қариганда серҳаракат бўлсанг, томирларингга қон югуради, кайфиятинг чоғ бўлади. Кексайганда касал бўлсанг, ҳеч кимга ёқмайсан. Юриб турган кишининг барча организми ҳаракатланади.

М.Набиевнинг айтишича, спиртли ичимликлар, чекиш ва шу каби иллатлардан узоқ юришига ҳам жисмоний тарбия ва спортга бўлган меҳри сабаб экан. Шунинг учун ҳам набираларига, ёшларга бўш вақтини мазмунли ташкил этишни, зарарли одатларга қўл урмасликни, балки соғлом улғайиб, юрти, ота-онаси ва устозларига мақтов келтирадиган шахслар бўлишни ўқтиради.



— Ўзбекистон велоспорт федерацияси билан бир лойиҳа бўйича келишувга эришиш арафасида турибмиз, — деди М.Набиев ҳаяжон билан. — Гап шундаки, бир гуруҳ кўнгилли пенсионерлар жам бўлиб, келаси йили ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатини томосха қилиш учун велосипедда Россияга бормоқчимиз. Ҳатто тай-ёргарликни ҳам бошлаб юбордик. Ҳафтасига икки марта Тошкентдан Чирчиққача 60 км.дан зиёд йўл босаямиз. Хар соатда 10 км.ни ортда қолдираёмиз. Насиб қилса, баҳор келиши билан йўлга чиқамиз ва жаҳон чемпионатини стадионда томосха қиламиз.

Албатта, қариган чоғда ёшларга намуна кўрсатиш, ҳар жиҳатдан ўрнак бўлиш осон эмас. Айтишадик-ку, муаллим мактабда билим беради, ҳаёт эса ҳар жойда таълим беради, деб. Мирвали ака ҳам ҳаётдан, турмушдан ўрганиб, билимдон бўлди, муаллим бўлди. Унинг мақсади, гайрати, шижоати жим туришга, жим ўтиришга қўймайди.

Дарвоқе, 1 октябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1991 йилдан буён «Халқаро кексалар куни» сифатида нишонланмоқда. Шу куни дунёнинг аксарият мамлакатларида қарияларга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ гамхўрлик кўрсатилади, меҳрибончиликлар қилинади. Ана шу сана муносабати билан Мирвали Набиев сингари сергайрат, тиниб-тинчимас кексаларимизни, нуруний қарияларимизни кутлаймиз. Уларга сийҳат-саломатлик, пиру бадавлатлик, хотиржамлик тилаймиз.

**Зоҳиджон ХОЛОВ,**  
«Ma'rifat» мухбири

*Бугун Туркменистон пойтахти Ашхобод шаҳрида Ёлиқ иншоотларда ва жанг санъати бўйича V Осиё ўйинларининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтади. Аммо унга қадар бир неча спорт тури бўйича медаллар учун мусобақалар ўтказилади. Вакиллари- миз 24 олтин, 33 кумуш ва 73 бронза, жами 130 медал тўплаб, умумжамоа ҳисобида 5-ўринда турибди.*

## ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ЁПИЛИШ АРАФАСИДА

сўнгги медаллар учун мусобақалар давом этмоқда



Футзал бўйича Ўзбекистон терма жамоаси яхши натижага эришмоқда. Жумладан, футболчиларимиз ярим финалда Япония терма жамоасидек кучли жамоани пенальтилар сериясида енгди. Бу эса спортчиларимизга финал эшикларини очиб берди. Ҳал қилувчи баҳс Эрон терма жамоасига қарши ўтказилди.

Шунингдек, 3x3 баскетбол мусобақасида қизларимиз финалгача етиб боргани ҳам ўзбек спортида янги саҳифа очди. Таиланд терма жамоасига қарши учрашувда қизларимизга бироз омад етишмади ва кумуш медалга сазовор бўлди.

Олтин медаллар барибир ўзгача завқу сурур бағишлайди, албатта. Бунга олтин медалчи қўлга киритган оғир атлетикачиларимиз Иван Ефремов (-105 кг) ва Рустам Жангабаев (105 кг) мисолида ҳам кўриш мумкин. Самбочиларимиз Сарбон Эрназаров (-68 кг) Незмат Ёқубов (-90 кг) ва Зафар Аллаберганов (-68 кг) жамоамизга тақдим этган олтин медаллар ҳам, эркин курашчиларимиз Маҳмуджон Шавактов, Бекзод Абдурахмонов ҳамда Давит Модзмашвили (125 кг) қўлга киритган олтин медаллар ҳам муҳлисларни хушнуд этгани, шубҳасиз.

Куннинг қутилмаган воқеаси эса самбо бўйича +100 кг вазн тоифасидаги полвонимиз Олим Худойкулов билан содир бўлди. Уни дастлаб ҳакамлар олтин медалга сазовор деб топиди. Аммо кўп ўтмай, ҳакамлар ўз қарорини ўзгартирди ва голиблик туркменистонлик спортчи Зафар Мадаминовга берилди.

**МУХБИРИМИЗ**

## Куз-қиш мавсумига тайёرمىсиз?

Шундай дорилон кунларнинг қадрига етиш, ҳамиша, ҳар ерда хушёр бўлиш асосий бурчимиз эканини унутмайлик. Куз одатда қиш мавсумига тайёрланишни англатувчи ўзига хос давр ҳисобланади. Бу пайтда ёзнинг иссиқ ва кишининг соғуқ кунларини эслатадиган беқарор, ўзгарувчан об-ҳавонинг кузатилиши ҳам бежиз эмас.

Шу маънода, ҳозир маҳаллаларда, хонадонларда, ишхона ва турли муассасаларда қиш мавсумига жиддий тайёргарлик кўриломоқда.

Дона халқимиз «Олов — тилсиз ёв» деб бежиз айтмайди. Назоратсиз қолдирилган олов, албатта, салбий оқибатларга олиб келиши ҳаммага аён. Ўт кетганда хўлу қуруқ баробар ёниши, у мол-мулкни, тирик жонни фарқлаб ўтирмаслигини ҳам яхши биламиз. Лекин камдан-кам ҳолларда хавфсизлик қоидаларига амал қиламиз.

Азиз юртдошлар! Келинг, шундай ноҳуш ҳодисалар содир бўлмаслиги учун ўзимиз ташаббускор бўлиб, ёнгин хавфсизлигининг олдини олишга интилайлик.

**Азизжон АЗИМОВ,**  
**Ҳасан НИҒМАТОВ,**

Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри биносини ёнгиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ инспекторлари

Ёнгинларнинг аксарияти куз фаслида турли хазон, қуриган ўт-ўлан ва шох-шаббаларни ёқиб натижада келиб чиқади. Гоҳида эътиборсизлик оқибатида бу ёнгинлар аҳоли уйлари, тураржой биноларига ҳам ўтиб, турли кўнгилсизлик ва нохушликларни

## Лоқайд эмас, оғоҳ бўлайлик!

келтириб чиқаради. Ўз вақтида олиб борилмаган чора-тадбирлар ва эҳтиётсизлик сабаб инсон саломатлиги, мол-мулк ва ҳаёти хавф остида қолади.

Ҳар ҳафтанинг чоршанбаси — ёнгинлар профилактикаси куни доирасида ўтказилаётган турли давра суҳбатлари, учрашувлар ва амалий машғуллар давомида «тилсиз ёв»дан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, лоқайдлик ва эътиборсизлик, электр ускуналарининг носозлиги каби ҳолатлар ёнгинга сабаб бўлаётгани ташкилмоқда. Аҳоли

гавжум жойлар, тиббиёт ва таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда ўтказилаётган тадбирларда ҳам бу каби кўнгилсизликларнинг олдини олиш борасида зарур кўрсатма ва тавсиялар берилмоқда. Хонадонларда болаларнинг қаровисиз қолдири-

лиши натижасида юзга келаётган ноҳуш ҳолатлар ҳаётини мисоллар орқали тушунтирилмоқда.

Яқинларимиз ва маҳалладошларимиз ҳаётига бефарқ, лоқайд бўлмасак, ҳеч қандай ноҳушлик осуда кунларимизга, мол-мулкимизга раҳна солмайди.

**Б.ИРСИМБЕТОВ,**  
**К.БАЙБАБОВ,**  
Зангиота тумани ЁХБ катта инспекторлари

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси Ҳарбий кафедра Фуқаро муҳофазаси цикли собиқ бошлиғи, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси **Владимир ЗУБКОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинлари ва оила аъзоларига таъзия билдиради.

# М.В.ЛОМОНОСОВ НОМИДАГИ МОСКВА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ



профессор-ўқитувчилари ва талабалари жамоаси

барча юрtdошларимизни, таълим тизимида

меҳнат қилаётган устоз-мураббийларни.

**1 октябрь — Ҳқитувчи ва мураббийлар**

**куни умумхалқ байрами**

**билан самимий муборакбод этади!**

**Сизларга энг эзгу**

**тилақларимизни**

**йўлаймиз!**



## Ma'rifat

**ТА'СИС  
ЕТУВЧИЛАР:**

*O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,  
O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus  
ta'lim vazirligi, O'zbekiston  
Ta'lim, fan va madaniyat  
xodimlari kasaba uyushmasi  
Respublika kengashi.*

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi  
Husan NISHONOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida  
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.  
Indeks: 149, 150. F-915. Tiraji 33688.

Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,  
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;  
kotihiyat — 233-99-15;  
reklama va marketing bo'limi —  
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6416



7 772 010 641 009

«Ma'rifat»dan  
materiallarni ko'chirib  
bosish tahririyat ruxsati  
bilan amalga oshirilishi  
shart.

Tahririyatga kelgan  
qo'lyozmalar taqrib  
qilinmaydi va muallifga  
qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:  
100083, Toshkent shahri,  
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.  
Web-site: [www.marifat.uz](http://www.marifat.uz)

Dizaynerlar:  
Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.  
Navbatchi muharrir:  
Ozod RAJABOV.  
Navbatchi:  
Faxriddin RAHIMOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.  
Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'zA yakuni — 23.50 Topshirildi — 00.50

1 2 3 5 6